Ilm o'zni bilmakdir

Ma'rifat

МАЪРИФАТ • ХАЛҚ ЗИЁЛИЛАРИ ГАЗЕТАСИ •

1931 йилдан чиқа бошлаган | 1998 йил 13 июнь, шанба | Баҳоси сотувда эркин нархда | № 43 (7039)

Da'vat

Тараққиётнинг умумий қўламида ҳар бир халқнинг ўрни уша халқ ўқиётган китобларнинг сони билан белгиланади.

Э. ПАБУЛЕ

Ibrat

УзХДП Фарғона вилояти кенгаши, вилоят касаба уюшмалари кенгаши ҳамда «Маҳалла» хайрия жамғармаси вилоят бўлими ҳамкорликда 500 нафарга яқин болани ёзги мавсумда бепул дам олишларини ташкил этишди.

ЖАМИЯТИМИЗ МАФКУРАСИ ХАЛҚНИ – ХАЛҚ, МИЛЛАТНИ – МИЛЛАТ ҚИЛИШГА ХИЗМАТ ЭТСИН

Ғояга қарши фақат ғоя, фикрга қарши фақат фикр, жаҳолатга қарши фақат маърифат билан баҳсга киришиш, олишиш мумкин



САВОЛ. *Муҳтарам Президент, аввало нафақат журналхонларимиз, балки кенг жамоатчилигимизни ўйлантириб турган саволларга ўз муносабатингизни билдиришга розилик берганингиз учун Сизга ташаккур изҳор этамиз.*

Маълумки, бундан бир юзу уттиз йил муқаддам халқимиз миллий мустақиллиги ва тарихий давлатчилигини йўқотиб, мустамлака асоратига тушиб қолган эди. Шу давр мобайнида аждодларимиз, миллатимиз машаққатли синов ва кураш йўлларини босиб ўтди. Боболаримиз чор Россиясининг зулмини бедад тортган бўлса, оталаримиз Октябрь тўнтаришини, Гражданлар урушини, қулоқлаштириш кампанияси, Сталин қатағонларини, Иккинчи жаҳон муҳорабасининг азобу уқубатларини, таҳликали эллигинчи ва ниҳоят "десантчилар зулми" номини олган саксонинчи йиллар воқеаларини бевосита бошидан кечирди. Биз — нисбатан ёш авлод эса "ривожланган социализм" деб аталган даврни ҳам кўрдик, коммунистик мафкуранинг ҳукмрон тазйиқи остида ҳам яшадик. Бу мафкура зулм ва зўравонликка, ғирромлик ва сохтакорликка асосланганини яхши биламиз. Шу сабабли ҳам у ҳалокатга учради.

Гарчи кейинги йилларда миллий мафкура яратиш борасида муайян ишлар қилинган бўлса-да, мафкура тушунчасига ҳанузгача холис илмий таъриф берилган эмас.

Сиз мафкура деганда нимани тушунасиз? Жамият фаолиятида, хусусан, Узбекистоннинг бугунги ҳаётида мафкура қандай урин тутади?

ЖАВОБ. Мафкура ҳар қандай жамият ҳаётида зарур. Мафкура бўлмаса одам, жамият, давлат ўз йўлини йўқотиши муқаррар. Иккинчидан, қаердаки мафкуравий бўшлиқ вужудга келса, ўша ерда бегона мафкура ҳукмронлик қилиши ҳам тайин. Бунинг исботи учун хоҳ тарихдан, хоҳ замонамиздан кўплаб мисоллар келтириш қийин эмас.

Келинг, бир лаҳза атрофга теранроқ назар ташлайлик. Кўп синовлар, азобу уқубатлар, хатолар, фожиалар, урушлар, қатағонларни бошидан кечирган асримиз поёнига етаётган, инсоният янги аср бўсағасида турган бугунги кунда турли хил эски ва янги мафкураларнинг узаро кураши ҳар қачонгидан ҳам кўра шиддатли тус олмоқда. Ранг-баранг, баъзан бирбирига мутлақо зид дунёқарашлар, сиёсий, миллий, диний оқимлар, мазҳаб ва секталар ўртасидаги фикр талашувлари гоҳо баҳс-мунозара доирасидан чиқиб қонли тўқнашувлар, оммавий қирғинларга сабаб бўлмоқда, одамлар бошига беҳисоб қайғу-қулфатлар солмоқда.

Куни кеча «Тафаккур» журналининг 2-сони нашрдан чиқди. Унда мамлакатимиз Президенти Ислом Каримовнинг журнал бош муҳаррирининг саволларига жавоблари эълон қилинган. Суҳбатда жамиятимизнинг маънавий тараққиёти, тарихимиз ва келажагимиз билан боғлиқ долзарб масалалар, бугунги кунда замон ўртага қўяётган янги-янги муаммолар ҳақида давлатимиз раҳбарининг фикр-мулоҳазалари ўз аксини топган.

Муҳтарам Президентимиз томонидан олға сурилган янгича ғоя ва назарий қарашларнинг муҳим аҳамиятга эгалигини назарда тутиб, мазкур суҳбатни эътиборингизга ҳавола қилмоқдамиз.

Бошқача айтганда, ҳозирги вақтда дунёда икки қарама-қарши қутб барҳам топган бўлса-да, турли хил мақсад-манфаатларни ифода этувчи мафкуралар тортишуви тўхтагани йўқ. Очиқ айтиш керакки, бу тортишувлардан кўзланган асосий мақсад — инсон, авваламбор ёшлар қалбини эгаллаш, муайян мамлакат ёки минтақадаги бирор миллат ёки халқнинг онгига, унинг сезги-туйғуларига таъсир ўтказиш, уни ўз дунёқарашига бўйсундириш, маънавий жиҳатдан заиф ва тобе қилиш. Фикр қарамлиги, тафаккур қуллиги эса ҳар қандай иқтисодий ёки сиёсий қарамликдан ҳам кўра даҳшатлидир.

● Миллий мафкура — миллатни бирлаштирувчи байроқдир

● Энг даҳшатлиси — фикр қарамлиги, тафаккур қуллиги

Узоқ тарихимиздан маълумки, ҳар қандай зўравон босқинчилар ва юртимизда ҳукмронлик қилмоқчи бўлган кучлар ёвуз ниятларига эришиш учун аввало миллий маданият ва анъаналаримизни йўқ қилиш, шу йўл билан бизни маънавий жиҳатдан заифлаштиришга, куч-қудратимизни йўқотишга ҳаракат қилганлар. Бу ҳақиқатни ҳеч қачон ёдимиздан чиқармаслигимиз керак.

Бугунги кунда одамзод маълум бир давлатлар ва сиёсий кучларнинг манфаатларигагина хизмат қиладиган, олисяқин манбалардан тарқаладиган, турли маъно-мазмундаги мафкуравий кучларнинг таъсирини доимий равишда сезиб яшайди. Ахборот асри, электроника асри деб аталган XX асрнинг ниҳоясида — бугунги давримизда бу таъсирлардан холи бўлиш деярли имконсиздир. Таъбир жоиз бўлса, айтиш мумкинки, бугунги замонда мафкура полигонлари ядро полигонларига нисбатан ҳам кўпроқ кучга эга. Энг қизиғи, шу билан бирга, кишини доимо огоҳ бўлишга ундовчи томони шундаки, агар ҳарбий, иқтисодий, сиёсий тазйиқ бўлса, буни сезиш, кўриш, олдини олиш мумкин, аммо мафкуравий тазйиқ, унинг таъсири ва оқибатларини тезда илғаб етиш ниҳоятда қийин.

Мана шундай бир вазиятда одам ўз мустақил фикрига, собит эътиқодига, ўзи таяниб яшайдиган ҳаётий-миллий қадриятларга, шаклланган дунёқараш ва мустаҳкам иродага эга бўлмаса, ҳар турли мафкураларнинг босимига, уларнинг гоҳ ошкора, гоҳ пинҳона кўринишдаги тазйиқларига бардош бериши амримаҳол. Буни кундалик ҳаётда учраб турадиган кўплаб воқеалар мисолида ҳам кузатиш мумкин. Масалан, Японияндан тарқалган "АУМ Сенрикё" деган диний оқим вакилларининг фаолиятини эслайлик. Улар дунёнинг турли мамлакатларидаги юзлаб ёш йигит-қизларни иродасидан, онг-шууридан маҳрум қилиб, зомби — яъни манқуртга айлантириб қўйгани яхши маълум-ку. Ёки дин ниқоби остида Марказий Осиё, жумладан, Узбекистонга ҳам кириб келишга уринаётган ваҳҳобийлик оқими намояндаларининг зарарли кирдикорларини олайлик.Бу каби ҳолатларнинг қандай мудҳиш оқибатларга олиб келишини, менингча, узоқ тушунтириб ўтиришнинг ҳожати йўқ.

Кўриниб турибдики, табиатда ҳам, жамиятда ҳам вакуум — бўшлиқ бўлиши мумкин бўлмаганидек, мафкура соҳасида ҳам бўшлиқ вужудга келишига асло йўл қўйиб бўлмайди. Айниқса, бутун дунёда, жумладан, информация оламида глобаллашув жараёни кечаётган ҳозирги пайтда, яъни лўнда қилиб айтганда, жаҳоннинг бир чеккасида содир бўлаётган воқеалар ва ҳаракатларнинг тез тарқалиб кетаётганини ҳисобга олганда, бу масаланинг аҳамияти ва долзарблиги янада ортиб бормоқда.

Фикримни соддароқ қилиб тушунтиришга уриниб кўраман.

Агар аср бошидаги ҳаёт ва тафаккур тарзи билан бугунги кунни қиёсласак, ер билан осмонча фарқни яққол кўрамиз. Техник тараққиёт ҳозиргидек юксак босқичга кўтарилмаган бир даврда дунёнинг тартиботи

(Давоми 2-бетда)

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ФАРМОНИ

ИШ ҲАҚИ, ПЕНСИЯ ВА СТИПЕНДИЯЛАР МИҚДОРИНИ ОШИРИШ ТЎҒРИСИДА

Нарх-навонинг эркинлашуви шароитида аҳолининг ижтимоий муҳофазасини таъминлаш мақсадида:

1. 1998 йил 1 июлдан бошлаб Узбекистон Республикаси ҳудудида:

энг кам иш ҳақи — ойига 1100 сўм;

кексалик пенсияси — ойига 2100 сўм;

фуқароларнинг солиқ олинмайдиган даромади — ойига 1100 сўм;

ягона тариф сеткаси бўйича бошланғич разряд — ойига 1100 сўм;

болаликдан ногирон бўлганларга бериладиган нафақа ойига 2100 сўм миқдорида;

кекса ёшлаги ҳамда зарур иш стажига эга бўлмаган меҳнатга яроқсиз фуқароларга бериладиган нафақа ойига 1275 сўм миқдорида белгилансин.

2. 1998 йил 1 июлдан бошлаб бюджет муассасалари ва ташкилотлари ходимларининг иш ҳақи, олий ўқув юртлари талабалари, ўрта махсус ва ҳунар-техника ўқув юртлари ўқувчиларининг стипендиялари ўрта ҳисобда 1,5 бараварга оширилсин.

3. 1998 йил 1 июлдан бошлаб пенсияларнинг барча турлари ўрта ҳисобда 1,6 бараварга оширилсин. Турли йилларда тайинланган пенсияларнинг миқдорини тенглаштириш мақсадида, 1991 йил 1 январга қадар тайинланган пенсияларнинг барча турлари миқдори ўрта ҳисобда 1,7 бараварга, 1991 йилдан бошлаб тайинланган пенсиялар миқдори ўрта ҳисобда 1,5 бараварга оширилсин.

Узбекистон Республикаси Ижтимоий таъминот вазирлиги ва Молия вазирлиги ўн кунлик муддат ичида пенсияларни қайта ҳисоблаб чиқиш тартибини ишлаб чиқсин ва тасдиқласин ҳамда пенсияларнинг барча турларининг оширилган аниқ миқдорларини белгиласин.

4. Энг кам иш ҳақига нисбатан белгиланган иш ҳақига устама ва қўшимчаларнинг барча турлари, шунингдек, пенсиялар, оналарга фарзанди икки ёшга етгунича парвариш қилиш учун бериладиган, болали оилаларга бериладиган нафақалар ва бошқа туловлар 1998 йил 1 июлдан бошлаб мазкур Фармонда белгиланган энг кам иш ҳақи миқдоридан келиб чиққан ҳолда амалга оширилади.

5. Узбекистон Респбликаси Ижтимоий таъминот вазирлиги, Меҳнат вазирлиги, вазирликлар, идоралар, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳри ҳокимликлари, бюджетдан молиявий таъминланадиган ташкилот ва муассасалар мазкур Фармон қоидаларидан келиб чиққан ҳолда пенсиялар, нафақалар, стипендиялар ҳамда бюджет муассасалари ва ташкилотлари ходимларининг лавозим окладлари миқдорини ўз вақтида қайта ҳисоблаб чиқишни таъминласинлар.

6. Бюджет муассасалари ва ташкилотлари ходимларининг иш ҳақи, пенсиялар, нафақа ва стипендияларнинг оширилиши билан боғлиқ харажатлар республиканинг давлат бюджети ва пенсия фонди ҳисобидан қопласин.

7. Хўжалик ҳисобидаги корхона ва ташкилотлар меҳнатга ҳақ тўлашнинг белгиланган базавий фонди миқдоридан келиб чиққан ҳолда, ишлаб чиқариш самарадорлигини ошириш ва меҳнат харажатини камайтириш ҳисобидан 1998 йил 1 июлдан бошлаб иш ҳақи миқдорини мазкур Фармонда белгиланган энг кам иш ҳақи миқдорига мувофиқ амалга оширсинлар.

8. Узбекистон Республикаси Президентининг 1997 йил 6 майдаги ПФ-1755 рақамли Фармони, 8-моддасидан ташқари, ўз кучини йўқотган, деб ҳисоблансин.

9. Узбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ўн кунлик муддат ичида мазкур Фармоннинг бажарилиши юзасидан қарор қабул қилсин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти
И. КАРИМОВ

Тошкент шаҳри,
1998 йил 9 июнь

РИВОЖЛАНИБ БОРАЁТГАН ҲАМКОРЛИК

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов туркийзабон мамлакатлар давлат раҳбарларининг бешинчи саммити ва Қозоғистон Республикаси янги пойтахти — Остона шаҳрининг халқаро тақдимот маросимида иштирок этиш учун 9 июнь куни Остона шаҳрига ташриф буюрди. Шу куни туркийзабон мамлакатлар давлат раҳбарларининг бешинчи учрашуви бўлиб ўтди. Учрашувда Ўзбекистон Президенти Ислом Каримов, Қозоғистон Президенти Нурсултон Назарбоев, Туркия Президенти Сулаймон Демирэл, Қирғизистон Президенти Асқар Акаев, Озарбайжон Президенти Ҳайдар Алиев ҳамда Туркманистон Мажлиси Раиси Саҳат Муродов қатнашди.

Учрашувда мамлакатимиз раҳбари Ислом Каримов нутқ сўзлаб, минтақавий интеграциялашувни янада чуқурлаштириш масалалари туркий тилли давлатлар ҳамкорлигининг устувор йўналишларидан бири бўлиб қолиши лозимлигини алоҳида қайд этиб ўтди.

— Биз барчамизни бирлаштириб турган муҳим омил — туркий тилли халқларнинг тарихий, маънавий ва маданий яқинлиги эканини жуда яхши англаймиз, — деди давлатимиз раҳбари ўз нутқида. — Вақт бизнинг ҳамкорлигимиз, энг аввало, ҳар бир мамлакат манфаатларининг барчамизнинг узоқ муддатли ҳамкорлигимиз талабларига жавоб берадиган умумий мақсадларга мос келиши туфайли ривожланиб бораётганини кўрсатди.

Анжуманда туркийзабон мамлакатлар давлат раҳбарлари бешинчи учрашувининг мамлакатларимиз ўртасидаги муносабатларнинг муҳим йўналишларини акс эттирган ва минтақавий алоқаларни чуқурлаштириш, маданий-маънавий ҳамкорликни кучайтиришни кўзда тутган Декларация ҳамда Учрашувлар Котибияти тўғрисидаги Низом қабул қилинди. Музокаралар чоғида Ўзбекистон Президенти Ислом Каримов таклифига биноан, туркий тилли давлатлар бошлиқларининг бешинчи учрашуви иштирокчиларининг Покистон ва Ҳиндистонда ўтказилган ядро қуроли синовлари борасидаги Қўшма Баёноти қабул қилинди. Унда Ҳиндистон ва Покистон ядро қуролини тарқатмаслик бўйича шартнома ва ядро қуроли синовларини бутунлай тақиқлаб қўйиш ҳақидаги шартномага қўшилишга даъват этилди.

Мамлакатимиз Президенти Ислом Каримов раҳбарлигидаги расмий делегация Қозоғистоннинг янги пойтахти — Остона шаҳрининг халқаро тақдимот маросимида ҳам иштирок этди. Ислом Каримов шу муносабат билан ўтказилган тантанали йиғилишда нутқ сўзлаб, Қозоғистон халқини янги пойтахт билан самимий қутлади.

Қозоғистон диёрида бўлиб ўтган бу учрашув, юртбошимиз таъбири билан айтганда, «ўзининг муайян натижаларини бериши ҳамда давлатларимиз ўртасидаги интеграциялашув жараёнларини янада ривожлантиришга, халқларимизнинг бир-бирини маънавий бойитишга хизмат қилишига ишончимиз комил».

«Маърифат»
шарҳловчиси

● Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов 11 июнь куни Японияниинг «Номури Секьюритиз, Ко» компанияси раиси Масаши Судзукини қабул қилди.

● Мамлакатимизга ташриф буюрган Японияниинг «Номура Секьюритиз, Ко» молия компанияси делегацияси аъзолари Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасида ҳам бўлишди.

● Президент Б. Ельциннинг таклифига биноан, Россияда шу йилдан бошлаб 12 июнь — мустақиллик куни эмас, Россия куни сифатида байрам қилинадиган бўлди.

● Италияда маҳаллий ҳокимият органларига сайловларнинг иккинчи босқичи бошланди, унда Италиянинг 3 ярим миллион аҳолиси иштирок этмоқда.

JUMLADA JAHON

● Африка қитъасида жойлашган Сомали давлатида миллий низолар келиб чиқиши оқибатида Байдо шаҳрида ўзаро қарама-қарши миллатлар вакилларининг кескин тўқнашувлари содир бўлди.

● Россия Давлат статистика қўмитаси раиси Юрий Юрков Россиянинг йирик компанияларига солиқ тўламасликка имкон яратиб берганлиги, бунинг учун катта миқдорда поралар олиб турганлиги боис ҳибсга олинди, унинг уйи тинтув қилинганда 1 миллион АҚШ доллари миқдорида нақд пул топилган.

● Яқин кунларда Грузия мамлакати пойтахти Тбилиси шаҳрида бўлиб ўтадиган Кавказ ва Шимолий Кавказ минтақалари давлатлари раҳбарларининг учрашувида минтақадаги сиёсий ва ҳарбий вазият ҳамда давлатларнинг ўзаро ҳамкорлик алоқалари муҳокама этилиши кутилмоқда.

Bolangizga darslik oldingizmi?

ҲИММАТ

Янги ўқув йилидан бошлаб ўқув дарсликларининг пуллик бўлиши дастлаб кўпчилик ота-оналарни ўйлантириб қўйди. Лекин кўп болали, кам таъминланган оилалар хавотирлари ўринсиз эканлиги аён бўлмоқда. Ҳокимият органлари, турли ташкилотлар, сармоядорлар ва яна ташаббускор инсонларимиз борки, муаммо туғилиши билан дарҳол ёрдам қўлини чўзяптики, бундан кўнгиллар таскин топяпти.

Шундайин хайрли ишлардан бири Қашқадарё вилояти Яккабоғ туманида амалга ошириладиган бўлди. Туман ҳокимлиги фармойишига биноан ҳозирги иқтисодий қийин шароитда таълим муассасаларининг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш, туман мактабларини янги ўқув йилига тайёрлаш, бунда асосан ўқув дарсликлари муаммосини ҳал қилиш учун оталиқ ташкилотларидан туман халқ таълими бўлимига жами 4 миллион 790 минг сўм ажратиладиган бўлди.

Яккабоғ шаҳридаги Йўлдош Охунбобоев номидаги мактаб оталиқ ташкилоти бўлган дон маҳсулотлари жамоа корхонаси 50 минг сўм, Ойбек номидаги ва 77-мактаб оталиқ ташкилотлари «Оқ олтин» ОХЖ 150 минг сўмлик дарсликлар сотиб олиб беришади.

Яккабоғ шаҳри, Эски Яккабоғ кичик шаҳарчаси ва тумандаги 19 жамоа хўжалиги белгиланган пул маблағларини туман ХТБ жорий ҳисобига ўз вақтида ўтказишади.

Бугун фарзандларга қилинаётган ғамхўрлик эртанги кунимиз учун қайғуриш эканлигини англаб етган яккабоғликлар ташаббуси таҳсинга лойиқ.

Рустам БОЙМАТОВ

MMM — XABARLARI

XALQ QAHRAMONI

Yurtimiz bo'ylab «Alpomish» dostonining 1000 yilligiga bag'ishlangan tadbirlar uyushtirilmoqda. Ana shulardan biri yaqinda Sobir Termiziy nomidagi Surxondaryo viloyat universal ilmiy kutubxonasida bo'lib o'tdi.

Unda xalqaro «Alpomish izidan» ekspeditsiyasi rahbari, professor Malik Murodov, Termiz Davlat universiteti olimlari Xolmirza Xoliyorov va Qudrat Xo'jaeyvlar dostonning benihoya ahamiyati to'g'risida gapirishdi. «Alpomish xalq qahramoni» mavzuidagi kitobxonlar ko'rgazmasi tadbirga o'zgacha fayz kiritdi.

M. KARIMOVA

VATAN OSTONADAN BOSHLANADI

Namangan viloyati yosh sayohatchilar va o'lkashunoslar markazida o'quvchilarni tug'ilib o'sgan joyini puxta o'rganishga va sevishga qaratilgan iqtidorli o'quvchilarning 5-viloyat ko'rik-tanlovi bo'lib o'tdi.

Unda kosonsoylik G. Ashurova adabiyot o'lkashunosligi, uchqo'rg'onlik R. Temirov tarix o'lkashunosligi, Namangan tumanidan Yu. Abdullayeva san'at-etnografiya bo'yicha mahoratlarini namoyish etishib, g'oliblikni qo'lga kiritishdi.

Avaz HAYDAROV

HUQUQ HAQIDA GURUNG

Yoshlar va o'smirlar o'rtasida jinoyatchilikning oldini olish borasida Akmal Ikromov nomli Kattaqo'rg'on pedagogika bilim yurtida bir talay ishlar amalga oshirilmoqda.

Yaqinda shahar hududni muhofaza qilish organlari bilan o'tkazilgan uchrashuvda ham respublikamiz qonunlari, huquq madaniyati, fuqarolarning huquq va burchlari to'g'risida yoshlarga atroflicha tushuntirildi. Uchrashuvda shahar sudining raisi Umir Quvonov, shahar prokurori yordamchisi Naqshvon Qahhorovlar ishtirok etishdi.

M. HAQBERDIYEV

«ZUKKO QIZLAR» BELLASHISHDI

Chimboy tumanida XTB va «Kamolot» jamg'armasi tomonidan «Zukko qizlar» bellashuvi o'tkazildi.

Bellashuvda milliy qadriyatlar, urf-odatlarning qizlarimiz tomonidan qay darajada ezozlanishiga alohida e'tibor berildi. Qizg'in bahslar bilan o'tgan bu musobaqada 1-o'rinni 36-maktab o'quvchisi Oygul Yo'ldosheva, 2-o'rinni 11-maktab o'quvchisi Sayyora Abdukarimova va 3-o'rinni 10-maktab o'quvchisi Uljon Qo'simbetovalar egallashdi.

G. YOQUBOV

БИЛИМ ВА ТАФАККУРДА КУЧ

ЖАМИЯТИМИЗ МАФКУРАСИ ХАЛҚНИ – ХАЛҚ, МИЛЛАТНИ – МИЛЛАТ ҚИЛИШГА ХИЗМАТ ЭТСИН

(Давоми. Боши 1-бетда)

ҳам, одамлар ўртасидаги муносабатлар ҳам, бинобарин, маънавий-мафкуравий тушунчалар ҳам шунга мос равишда содда ва аниқ-равшан эди.

Яқинда Абдулла Қодирийнинг "Ғирвонлик Маллавой" деган кичик бир асарини ўқиб қолдим. Унда асримиз бошида Туркистонга поезд кириб келиши билан боғлиқ бир ҳангома кулгили шаклда акс эттирилади. Наманганга темир йўл тортилиб, синов паровози келадиган булади. Паровозни умрида кўрмаган одамлар уни буғ қуввати билан юрадиган "жонивор" деб тасаввур қилишади. "Ўзи қоп-қора бўлса, юрганда дам-бадам пишқирса, чанқаганда қичқирса, минг челаклаб сув ичиб, очиққанда букирса, бу — албатта, зўр бир ҳайвон бўлса керак", деб ўйлашади. Кимдир унга "қора айғир" деб ном ҳам қуяди. Синов паровози келишидан бирор кун илгари уни кутиб олишга тайёргарлик кўрилади. Станция ёнига "қора айғир"га атаб ўн арава қўк беда, эллик пудча арпа тайёрлаб қўядилар...

Албатта, бу асарда жиндак муболаға, ҳазил-мутойиба ҳам йўқ эмас. Лекин у ўша пайтдаги одамларнинг тасаввурларию дунёқарашлари нақадар одми, содда, самимий бўлганини ҳам кўрсатади. Шу билан бирга, бу фақат ўзбек халқига хос хусусият эмас, бошқа халқларнинг ҳам ўша даврдаги турмушини кўздан кечирсангиз, шунга яқин жиҳатларни учратиш мумкин.

Энди шундай ҳолатни ҳозирги кунда тасаввур қилиш мумкинми? Айтайлик, компьютер, факс, «уяли» телефон, параболик антенна, электрон почта каби муъжизалар ҳаётимизга нисбатан яқинда кириб келди. Лекин ҳозир шу муъжизалар билан юртимизнинг энг олис ва чекка қишлоғида яшаётган мактаб ўқувчисини ё бўлмаса бирор отахонни ҳайратга солиш мумкинми? Эҳтимол, улар бу нарсаларга бирпас ҳайрон бўлиб турар, аммо кейин худди бу асбобларни умр бўйи биладигандек тезда кўникиб, ўзлаштириб кетади.

Айтайлик, ҳозир жаҳоннинг олис бир бурчагида қандайдир воқеа содир бўлса, зум ўтмай бутун дунёга маълум бўлади. Ва бу воқеа ер юзининг бошқа бир четида дарҳол акс садо беради. Биздан узоқ-узоқ минтақалар ва ҳудудларда рўй бераётган яхши ва ёмон ишлар, уларнинг таъсирлари ҳам ҳаётимизга яшин тезлигида, биздан сўрабнетиб ўтирмасдан кириб келаверади. Замонавий ахборот майдонидаги ҳаракат шунчалар тиғиз, шунчалар тезкорки, энди илгаригидек, ҳа, бу воқеа биздан жуда олисда юз берибди, унинг бизга алоқаси йўқ, деб бепарво ўтириб бўлмайди.

Мана шу шарт-шароитларнинг барчаси ҳам маънавият, миллий мафкуранинг аҳамиятини янада кучайтиради. Чунки, сир эмас, баъзан беозоргина бўлиб туюлган мусиқа, оддийгина мультфильм ёки реклама лавҳаси орқали ҳам маълум бир мафкуравий мақсадлар ва интилишлар ифодаланади.

Демак, бугунги кунда ғояни, фикрни тақиқ билан, маъмурий чоралар билан енгиб бўлмайди. Ғояга қарши фақат ғоя, фикрга қарши фақат фикр, жаҳолатга қарши фақат маърифат билан баҳсга киришиш, олишиш мумкин.

Ҳар бир инсон, ҳар бир фуқаро буни яхшилаб тушуниб, мағиз-мағзига етиб олиши керак. Чунки жамиятнинг, жамият аҳлининг мустаҳкам ва равшан мафкураси бўлмаса, ўз олдига қўйган аниқ бир мақсад-муддаоси бўлмаса, у муқаррар равишда инқирозга юз тутади.

Модомики, мақсад, ғоя ҳақида мулоҳаза юритаётган эканмиз, илгари айтган бир фикримни такрорлаб ўтсам, ўринли бўлар, деб ўйлайман.

Мақсад дегани — халқни, миллатни бирлаштирувчи, йўлга бошловчи бамисоли бир байроқ. Бу байроқ бутун Ўзбекистон халқининг руҳини, ғурур-ифтихорини, керак бўлса, қудратини, орзу-интилишларини мужассамлаштирадиган улуғ кучдир. Давлатимизнинг, халқимизнинг, эл-юртимизнинг мақсади ўзининг улуғворлиги, ҳаётийлиги ва ҳаққонийлиги билан ҳаммамизни жалб этадиган бўлмоғи лозим. Токи бу мақсад халқни — халқ, миллатни — миллат қила билсин, қўлимизда енгилмас бир кучга айлансин.

Одамларнинг минг йиллар давомида шаклланган дунёқараши ва менталитетига асосланган, айни вақтда шу халқ, шу миллатнинг келажагини кўзлаган ва унинг дунёдаги ўрнини аниқ-равшан белгилаб беришга хизмат қиладиган, кечаги ва эртанги кун ўртасида узига хос кўприк бўлишга қодир ғояни мен жамият мафкураси деб биламан.

Шуро даврининг мафкураси, коммунистик дунёқараш, агарки аслини суриштирсангиз, моҳият эътиборига кўра, бизнинг турмуш тарзимизга, халқимизнинг табиатига тамоман бегона эди. Шунга қарамасдан, кишиларнинг онгига мажбуран сингдирилган бу сохта таълимотнинг салбий таъсири ҳануз сезилиб туради. Афсуски, биз бу сарқитлардан ҳали буткул халос бўла олганимиз йўқ.

> ● *Мафкурасиз одам, жамият, давлат ўз йўлини йўқотади*
> ● *Маънавиятимиз қўлимизда енгилмас кучга айлансин*

Шунинг учун ҳам истиқлолга эришган кунимиздан бошлаб миллий мафкура, Узбекистон жамиятининг миллий ғоясини яратиш масаласи долзарб бўлиб келмоқда.

Албатта, мафкурани бир кун ёки бир йилда яратиб бўлмайди. Чунки мафкура шаклланади, шакллантириб борилади. Унинг асосий тамойилларини ишлаб чиқиш мумкин. Аммо бу тамойиллар реал ҳаётда ўз ўрнини топмаса, бундай мафкура фақат қоғозда бўлади, холос. Шунинг учун ҳам, менинг фикримча, мафкурани шакллантириш жараёнида, авваламбор, мамлакатнинг бугунги ҳаёти, ўтмиши, келажаги, бутун тақдири учун қайғурадиган, Ватан қисматини ўз қисмати деб биладиган кенг жамоатчиликнинг илғор дунёқараш ва тафаккурига асосланиш лозим.

Иккинчи шарт шундан иборатки, миллий тарихимиз ва умумбашарий тараққиёт ривожига унутилмас ҳисса қўшган олиму фузалоларнинг мафкура ва унинг жамият ҳаётидаги аҳамияти ҳақида қолдирган илмий мероси, фалсафий қарашларини ҳар томонлама урганиш даркор. Мен бу ўринда Абу Наср Форобий, Беруний, Ибн Сино, Аҳмад Яссавий, Алишер Навоий, Баҳоуддин Нақшбанд, Нажмиддин Кубро каби улуг аждодларимизнинг шу мавзуга дахлдор асарларини назарда тутяпман.

Масалан, Форобийнинг ўша машҳур "Фозил одамлар шаҳри" асарини эсга олайлик. Бундан минг йилча муқаддам яратилганига қарамасдан, бугунги ўқувчи ҳам бу асардан ҳозирги ҳаётнинг мураккаб муаммоларини ҳал қилишда асқатадиган муҳим фикр ва йўл-йўриқларни топа олади.

Мен миллий мафкура хусусида бош қотираётган олимларимиз, маънавият ва маърифат соҳаси ходимларига ер юзида инсоният ва давлатчилик пайдо бўлганидан буён шаклланган жамиятнинг ривожланиш қонуниятларини теран ўрганиш, кишилик тарихининг юксалиш ва таназзул даврларини, тараққиётни ана шу инқирозлардан омон сақлаб қолувчи ижтимоий-маънавий омилларни ҳар томонлама тадқиқ этган ҳолда бирон хулосага келишни тавсия этган бўлур эдим.

Шу муносабат билан бу мафкуранинг шаклланишида кимнинг манфаатлари ва қарашлари юзага чиқиши керак, деган савол туғилади.

Бордию бу саволга мендан жавоб сўралса, даставвал Ўзбекистонда яшаётган, ўз тақдири тимсолида минг-минглаб кишиларнинг тақдирини мужассамлаштирган ватандошимизнинг ҳаётини, унинг орзу-интилишларини, бугун ва эртанги кунга бўлган умидворлигини ўзимча тасаввур қилишга урониб кўрардим. Узимни шу одамнинг ўрнига қўйиб, унинг кўзи, идроки, тафаккури, ёндашуви билан келажакка қарардим.

Содда қилиб айтганда, жамиятимизнинг мафкураси шу жамиятнинг таянчи бўлмиш оддий инсон ва унинг манфаатларини ифода этиши, халқимизнинг бехатар, тинч-омон, фаровон, бадавлат турмушга эришиши учун куч-ғайрат манбаи бўлиши лозим.

Ўзбекистоннинг миллий мафкураси мамлакатимизнинг мана шу минтақада, ён-атрофдаги давлатлар орасида ва жаҳон миқёсида ўзига муносиб ўринни, яна ҳам аниқроқ айтадиган бўлсак, ўзининг ихтисосини тўғри ва холисона англаб, шу асосда ижил ҳаракат қилишимиз учун хизмат этиши зарур.

Хўш, миллий ғоя, миллий мафкура нималарни ўзида мужассамлантириши ва қандай талабларга жавоб бериши керак?

Миллий мафкура, авваламбор, ўзлигимизни, муқаддас анъаналаримизни англаш туйғуларини, халқимизнинг кўп асрлар давомида шаклланган эзгу орзуларини, жамиятимиз олдига бугун қўйилган олий мақсад ва вазифаларни қамраб олиши шарт.

Иккинчидан, жамиятимизда бугун мавжуд бўлган хилма-хил фикрлар ва ғоялар, эркин қарашлардан, ҳар қандай тоифалар ва гуруҳларнинг интилишлари ва умидларидан, ҳар қандай инсоннинг эътиқоди ва дунёқарашидан қатъи назар, уларнинг барчасини ягона миллий байроқ атрофида бирлаштирадиган, халқимиз ва давлатимизнинг дахлсизлигини асрайдиган, эл-юртимизни энг буюк мақсадлар сари чорлайдиган ягона ғоя — мафкура бўлиши керак.

Учинчидан, миллий мафкурамиз ҳар қандай миллатчилик ва шунга ўхшаган унсурлардан, бошқа элат ва халқларни менсимаслик, уларни камситиш кайфияти ва қарашларидан мутлақо холи бўлиб, қўшни давлат ва халқлар, умуман жаҳон ҳамжамиятида, халқаро майдонда ўзимизга муносиб ҳурмат ва иззат қозонишда пойдевор ва раҳнамо бўлиши даркор.

Тўртинчидан, миллий ғоя биринчи навбатда ёш авлодимизни ватанпарварлик, эл-юртга садоқат руҳида тарбиялаш, уларнинг қалбига инсонпарварлик ва одамийлик фазилатларини пайванд қилишдек олижаноб ишларимизда мададкор бўлиши зарур.

Бешинчидан, у Ватанимизнинг шонли ўтмиши ва буюк келажагини узвий боғлаб туришга, ўзимизни улуг аждодларимиз боқий меросининг муносиб ворислари деб ҳис қилиш, шу билан бирга, жаҳон ва замоннинг умумбашарий ютуқларига эришмоққа йўл очиб берадиган ва шу мақсадларга муттасил даъват қиладиган ғоя бўлиши керак.

Миллий ғоя, миллий ифтихор кундалик машаққатли ишларимизда ва бунёдкорлик фаолиятимизда кучимизга куч, ғайратимизга ғайрат қўшиб, ҳақиқатан ҳам келажаги буюк давлат қураётганимизга мустаҳкам ишонч бағишлаб, руҳимизни баланд, белимизни бақувват қилишига ишонаман.

Миллий мафкура воситасида элу юрт бирлашади, ўз олдига буюк мақсадлар қўяди ва уларни адо этишга қодир бўлади.

Миллатнинг, халқнинг ҳамжиҳатлиги эса ҳар қандай тараққиётнинг гаровидир.

САВОЛ. *Сиз мустақил давлатнинг етакчиси сифатида фаолиятингизнинг дастлабки кунидан бошлаб мамлакатимизда таълим-тарбия тизимини тубдан ислоҳ қилишдек ғоят муҳим ва мураккаб ишга бевосита раҳбарлик қилиб келмоқдасиз. Сизнинг ташаббусингиз билан бу борада амалга оширилган улкан ишларнинг баъзиларини эслаб ўтсак: вилоятларимиз марказларида унга яқин университетлар ташкил этилди, истиқлолга қадар бизда умуман бўлмаган бир қанча олий ўқув юртлари, жумладан, Жаҳон иқтисодиёти ва дипломатия, Жаҳон тиллари дорилфунунлари, Давлат ва жамият қурилиши, Банк-молия, Ички ишлар, Қуролли Кучлар академиялари, Кончилик институти, Фуқаро авиацияси институти каби янги таълим даргоҳлари очилди, замонавий лицей ва коллежлар таъсис қилинди, "Улуғбек", "Умид", "Устоз" каби жамғармалар тузилиб, ривожланган хорижий мамлакатлардаги энг нуфузли олий ўқув юртларига юзлаб ёшлар ўқишга юборилди, муаллим-мураббийларнинг билим ва савиясини юксалтириш борасида жиддий ишлар амалга оширилмоқда.*

> ● *Миллатнинг, халқнинг ҳамжиҳатлиги тараққиёт гаровидир*
> ● *Онгли турмуш — жамият ҳаётининг бош мезони*

Ўтган йили Олий Мажлис сессиясида қабул қилинган Кадрлар тайёрлашнинг Миллий дастури ғоясининг бош ташаббускори ва ташкилотчиси ҳам мамлакат Президенти бўлганини кенг жамоатчилик яхши билади. Яқинда матбуотда Сиз имзо чеккан яна иккита муҳим ҳужжат эълон қилинди. Уларнинг биринчиси "Узбекистон Республикасида умумий ўрта таълимни ташкил этиш тўғрисида", иккинчиси эса "Узбекистон Республикасида ўрта махсус, касб-ҳунар таълимини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида" деб аталади. Сизнинг сиёсатингизда таълим-тарбия масаласига бу қадар катта эътибор берилишининг сабаблари нимада?

> ● *Мафкура полигонлари ядро полигонларидан кучлидир*
> ● *Мафкура — ўтмиш ва келажак ўртасидаги кўприкдир*

ЖАВОБ. Мен Абдулла Авлонийнинг "Тарбия биз учун ё ҳаёт — ё мамот, ё нажот — ё ҳалокат, ё саодат — ё фалокат масаласидир" деган фикрини кўп мушоҳада қиламан.

Буюк маърифатпарварнинг бу сўзлари асримиз бошида миллатимиз учун қанчалар муҳим ва долзарб бўлган бўлса, ҳозирги кунда биз учун ҳам шунчалик, балки ундан ҳам кўра муҳим ва долзарбдир.

Чунки таълим-тарбия — онг маҳсули, лекин айни вақтда онг даражаси ва унинг ривожини ҳам белгилайдиган омилдир. Бинобарин, таълим-тарбия тизимини ўзгартирмасдан туриб онгни ўзгартириб бўлмайди. Онгни, тафаккурни ўзгартирмасдан туриб эса биз кўзлаган олий мақсад — озод ва обод жамиятни барпо этиб бўлмайди.

Кўриб турганимиздек, буларнинг барчаси бир-бири билан занжир каби чамбарчас боғлиқ масалалардир.

Мен кўп йиллар давлат режалаштириш идораларида ишлаганман. Хизмат тақозосига кўра фан ва таълим масалалари билан ҳам шуғулланганман. Шу сабабли, совет таълим тизимининг барча жиҳатларини яхши биламан, деб айта оламан.

Бизга мерос бўлиб қолган таълим-тарбия тизимининг маълум бир маъқул жиҳатлари билан бир қаторда унинг энг номақбул томони шундан иборат эдики, ўқув жараёнида ўқувчи ва талабаларни мустақил ва эркин фикрлашга йўл қўймаслик, ҳар қайси ўқув юртини битирувчиларнинг билимига қараб эмас, аввало, уларнинг собиқ совет тузумига ва сохта ғояларга садоқатини ҳисобга олиб баҳолаш ва ҳаётга йўллаш тамойили асосий ўринни эгаллар эди. Кўп жойларда сифат ўрнига сон кетидан қувиш устунлик қиларди. Кўпчилик ҳақиқий билим ёки малака орттириш мақсадида эмас, амал-тақал қилиб дипломли бўлиб олиш илинжида техникум ёки институтларга кирар эди. Бу тузумдан бизга қолган меросларнинг ичидаги шунга ўхшаган салбий асоратларни, афсуски, ҳозир ҳам сезиб турибмиз.

> ● *Мақсадимиз — эркин шахсни тарбиялаш*
> ● *Кучли давлатдан — кучли жамият сари*

Бу тизим ватанига, халқига, миллатига фидокор, мустақил фикрлайдиган, бирон бир масалани онгли равишда, масъулият билан ҳал қиладиган, изланувчи, янгиликка интилувчи кадрларни эмас, асосан саёз савияли ходимларни, муте кишиларни минг-минглаб етиштирган эди. Жамиятимизни янгилаш, ислоҳотларни ҳаётга татбиқ этиш, бозор иқтисодиёти асосларини барпо қилишга ўтар эканмиз, ана шундай онги қотиб қолган, азму шижоатдан йироқ, эл-юрт манфаати учун куйиб-ёнмайдиган кадрлар муттасил равишда ишнинг белига тепиб туришини ҳис қилдик, очиғини айтсам, ҳозир ҳам сезяпмиз.

Шунинг учун ҳам мустақиллигимизнинг дастлабки йиллариданоқ бутун мамлакат миқёсида таълим-тарбия, илм-фан, касб-ҳунар ўргатиш соҳаларини ислоҳ қилишга ниҳоятда катта зарурат сезила бошлади. Бусиз жамиятимизнинг бирон бир соҳасини ўзгартиришга киришиб бўлмас эди. Ислоҳотларнинг тақдири ва самараси биринчи навбатда кадрларнинг савиясига, уларнинг замон ва тараққиёт талабларига нечоғлиқ жавоб беришига тақалиб қолар эди. Юртимизнинг эртанги ҳаёти ва тақдири авваламбор шу муаммоларни узил-кесил ечиш билан чамбарчас боғланганини ҳар қайси фикрловчи одам англаши қийин эмас.

Шу сабабли ҳам биз ниҳоятда мураккаб, кўп вақт ва кўп маблағ талаб этадиган ана шу вазифани адо этишга киришдик. Кадрлар тайёрлашнинг Миллий дастурини ишлаб чиқиш билан боғлиқ жараён узоқ йиллар мобайнида бу соҳада талай муаммолар йиғилиб қолганини кўрсатди. Мен бунга ушбу дастур лойиҳаси устида саккиз ой мобайнида ишлаш жараёнида шахсан амин бўлдим. Шунинг учун ҳам бу оғир, масъулиятли, аммо ҳал қилишни асло пайсалга солиб бўлмайдиган ишни қадам-бақадам, изчиллик билан бажаришга бел боғладик.

Ишончим комил: агар бу ислоҳотни муваффақиятли равишда амалга ошира олсак, тез орада биз ҳаётимизда ижобий маънодаги "портлаш эффекти"га, яъни унинг самарасига эришамиз.

Бу нима дегани?

Кадрлар тайёрлаш Миллий дастуримизда, шу жумладан, ҳали сиз тилга олган икки ҳужжатда назарда тутилган вазифалар тўлиқ амалга ошган тақдирда улар, биринчидан, ижтимоий-сиёсий иқлимга ижобий таъсир қилади ва натижада мамлакатимиздаги мавжуд муҳит бутунлай ўзгаради.

Иккинчидан, таълимнинг янги модели ишга тушгач, инсоннинг ҳаётдан ўз ўрнини топиш жараёни тезлашади. Ҳар қандай одам ҳам ўсмирлик чоғида, эндигина вояга етиб келаётган даврида жамиятдан муносиб ўрнини топиши керак. Акс ҳолда бу нарса нохуш оқибатларга, баъзан эса оғир фожиаларга, ҳатто ижтимоий ларзаларга ҳам сабаб бўлади. Ёш йигит-қизларимизнинг ишда, турмушда, оила ва жамоа орасида ўз ўрнини тополмаслик ҳолатлари уларнинг жамиятда ўз қадрини йўқотишига олиб келади. Ўз қадрига, ўз шаънига эга бўлмаган инсон ҳаётда кўп-кўп тўсиқларга дучор бўлади, беқарор ва салбий таъсирларга тез берилади, унинг шахс сифатидаги емирилиши ҳам тез кечади.

Биз жорий этилаётган мазкур таълим модели орқали аввало ана шу вазиятнинг олдини оламиз. Қолаверса, ёшларни муайян бир ихтисосга эга қилиб, ҳаётга йўлланма берамиз. Дунёга умид билан қадам қўйиб келаётган навниҳол инсон ҳаётдан муносиб ўрнини топса, турмушидан, тақдиридан, ватанидан рози бўлиб яшайди, умр бўйи бунёдкорлик фаолияти билан машғул бўлади.

Бу ғоят муҳим ижтимоий-сиёсий аҳамиятга эга бўлган масаладир.

Учинчидан, таълимнинг янги модели жамиятда мустақил фикрловчи эркин Шахснинг шаклланишига олиб келади. Узининг қадр-қимматини англайдиган, иродаси бақувват, иймони бутун, ҳаётда аниқ мақсадга эга бўлган инсонларни тарбиялаш имконига эга бўламиз. Ана шундан кейин онгли турмуш кечириш жамият ҳаётининг бош мезонига айланади. Шунда одам олимон бўлиб, ҳар лаҳзада серкага эҳтиёж сезиб эмас, аксинча — ўз ақли, ўз тафаккури, ўз меҳнати, ўз масъулияти билан, онгли тарзда, озод ва ҳур фикрли инсон бўлиб яшайди. Бундай одамлар уюшган жамиятни, улар барпо этган маънавий-руҳий муҳитни сохта ақидалар, бақириқ-чақириқлар, ҳавойи шиорлар билан асло бузиб бўлмайди. Уларни ўзлари ақл-идрок ва қалб амри билан танлаб олган ҳаётий мақсадлардан чалғитиб ҳам бўлмайди.

Тўртинчидан, таълимнинг янги модели жамиятимизнинг потенциал кучларини руёбга чиқаришда жуда катта аҳамият касб этади. Ҳар қайси инсонда муайян даражада интеллектуал салоҳият мавжуд. Агар шу ички қувватнинг тўлиқ юзага чиқиши учун зарур бўлган барча шарт-шароит яратилса, тафаккур ҳар хил қотиб қолган эски тушунча ва ақидалардан халос бўлади. Ва ҳар қайси инсон Оллоҳ таоло ато этган ноёб қобилият ва истеъдодини аввало ўзи учун, оиласининг, миллати ва халқининг, давлатининг фаровонлиги, бахт-саодати, манфаати учун тўлиқ бахшида этса, бундай жамият шу қадар кучли тараққиётга эришадики, унинг суръат ва самарасини ҳатто тасаввур қилиш ҳам осон эмас. Олдимизда турган буюк мақсадларга эришишда жамиятимизнинг ҳар бир аъзоси қўшадиган ҳисса шу ҳисобдан беқиёс бўлиши муқаррар. Мен "портлаш эффекти" деганда айнан шундай ҳолатни назарда тутмоқдаман.

Бешинчидан, биз фуқаролик жамияти қуришни ўз олдимизга мақсад қилиб қўйганмиз. Бу соҳада дастлабки, аммо муҳим қадамлар қўйилди. Ишончим комилки, вақти-соати келиб, бугунги ўтиш даври учун зарур бўлган кучли давлат функциялари ва аломатлари астасекинлик билан тадрижий равишда кучли жамият зиммасига ўтади. Мана шу йўл, мана шу назарий масаланинг моҳиятини атрофлича ёритиш, уни ҳаётимизда, амалиётимизда ҳал қилувчи сиёсатга айлантириш нафақат бугунги, балки эртанги кунимизнинг ҳам энг муҳим ва долзарб вазифасидир. Тараққиётнинг умумбашарий қонуниятлари, инсониятнинг кўп йиллик ҳаётида синовлардан ўтиб, ижобий натижалар берган тажрибалар худди шу йўлни тақозо этади.

Биз бир нарсани яхши англаб олишимиз керакки, умумий ва махсус билимларга эга, онгли, тафаккури ҳар хил "измлар"дан озод, замонавий дунёқараш, миллий ва умуминсоний қадриятларга ворис бўлган инсонларгина фуқаролик жамиятини барпо этишга ва уни янада такомиллаштиришга қодир бўлади.

Бу моделдан кўзланган яна бир мақсад бор. Унинг воситасида биз дунёдан муносиб ўрин олишга, ўзбек номини янада кенг ёйиб тараннум этишга эришамиз.

Бугун халқаро ҳаёт, кишилик тараққиёти шундай босқичга кирганки, энди унда ҳарбий қудрат эмас, балки интеллектуал салоҳият, ақл-идрок, фикр, илғор технологиялар ҳал қилувчи аҳамият касб этади. Амир Темур бобомизнинг "Куч — адолатда" деган машҳур таъбирини бугунги кунга нисбатан қўллаб айтадиган бўлсак, мен унга қўшимча қилиб "Куч — билим ва тафаккурда" деган бўлардим. Келгуси асрда бу тамойил янада кучаяди ва ижтимоий ҳаётнинг барча жабҳаларини қамраб олади. Бинобарин, халқаро майдонда биз бошқа мамлакатлар билан соғлом фикр мусобақасига, ижодий рақобатга киришмоғимиз лозим бўлади. Бизнинг келажагимиз мана шу мусобақа ва рақобатга қай даражада бардош бера олишимизга боғлиқ. Ўйлайманки, бунинг учун миллатимизнинг салоҳияти ҳам, ақл-заковати ҳам етарли.

> ● *Жаҳолат — маърифатнинг кушандаси*
> ● *Жаҳонга ўз сўзимизни айтайлик*

Мана, яқинда "Умид" жамғармаси орқали Европа, Осиё ва АҚШнинг энг нуфузли университетларида ўқиётган талабаларимиздан ўн беш нафари магистрлик ва бакалаврлик илмий даражаларига муддатидан олдин сазовор бўлгани ҳақида хабар олдик. Мен бу хушхабарни эшитиб худди ўзимнинг ўғил-қизларим шундай ютуқка эришгандек бениҳоя хурсанд бўлдим. Бу — ҳаётимдаги энг қувончли воқеалардан бири бўлди десам, муболаға бўлмайди. Узбек миллатининг, ўзбек фарзандларининг қобилият, зеҳн-заковат, тиришқоқлик борасида бошқа ҳеч бир миллат ёки халқдан қолишадиган жойи йўқ. Фақат мавжуд интеллектуал имкониятларимизни тўлиқ ишга солишимиз, улардан мукаммал тарзда фойдалана билишимиз зарур. Ота-боболаримиз шуҳратининг соясига маҳлиё бўлиб юрадиган даврлар энди ўтди. Бугун жаҳон биздан ўз сўзимизни айтишимизни, ўз тафаккуримизни намоён этишимизни талаб қилмоқда. Бошқа халқлар, бошқа миллатлар бизга ётсираб-беписанд қарамаслиги, балки бизни эътироф этиши, бизни эҳтиром этиши керак. Биз ана шу юксак муносабат ва ҳурматга лойиқ бўлишимиз даркор.

Тўққизинчи-ўн бешинчи асрларда маърифатли дунё бухорийлар, фарғонийлар, хоразмийлар, беруниийлар, ибн синолар, улуғбекларни қанчалик иззат-икром қилган бўлса, йигирма биринчи асрда биз халқимиз, миллатимизга нисбатан ана шундай эҳтиромни қайтадан қўлга киритишимиз керак. Ўша даврда улуғ аждодларимиз асос солган ва оламга донг таратган илмий мактабларни замонавий шаклда қайтадан тиклашимиз лозим.

Такрор айтаманки, бунга таълим-тарбия тизимини тубдан ислоҳ қилиш билангина эришиш мумкин. Аслида таълим-тарбия соҳасидаги ислоҳотнинг чегараси ва поёни йўқ. Токи ҳаёт давом этар экан, таълим ҳам, тарбия ҳам замон ўртага қўяётган янги-янги талабларга кўра мутасил равишда ўзгариб-янгиланиб бораверади. Фақат, биз бу соҳадаги дастлабки қадамларни тўғри қўя олсак, пойдеворни мустаҳкам қилиб барпо этсак, мен шунга ишонаманки, бугунги авлод унинг самарасидан баҳраманд бўлажак, келгуси авлод эса бизнинг қилган шу ишларимизни эҳтиром ва миннатдорлик туйғуси билан эслайди.

> ● *Юртимизнинг хавфсизлиги — сиёсатимизнинг бош йўналиши*
> ● *Энг олий мақсадим — халқимнинг омонлиги*

САВОЛ. *Сиз шуғулланадиган ғоят қўламдор ва серқирра масалалар, адо этадиган вазифалар бири биридан муҳим ва зарур. Уларнинг барчаси мамлакат ва жамият, ҳар қайси фуқаронинг ҳаёти, келажаги учун ҳал қилувчи аҳамиятга эга. Аммо Сизнинг фаолиятингиздаги энг устувор йўналиш, энг олий мақсад нимадан иборат?*

ЖАВОБ. Агар бу саволга бир оғиз сўз билан жавоб бериш лозим бўлса, мен "Халқимнинг омонлиги", деб айтган бўлардим. Содда қилиб айтганда, элу юртимизнинг осойишталиги, осмонимизнинг мусаффолиги, сарҳадларимизнинг бехатарлиги, бугунги кунимиздан розилик, эртанги ҳаётга ишонч, оналаримиз ва фарзандларимиз юзидаги табассум, бу — мен ўз фаолиятимда интиладиган энг олий мақсаддир. Халқимнинг осойишталиги ва фаровонлиги мен учун ҳамма нарсадан афзал.

Бу дунёда инсон ўз меҳнати, ақл-ғайрати билан кўп нарсага эришиши мумкин. Бойликка ҳам, шонш-шуҳратга ҳам, илмий, ижодий кашфиётларга ҳам, оила, севги бахш этадиган бахту саодатга ҳам. Фақат бунинг учун аввало инсоннинг уйида, маҳалла-қўйида, юртида, қисқача айтганда, одамнинг кўнглида тинчлик-хотиржамлик ҳукм суриши керак. Узоққа бормайлик, мана шу Миллий дастурдан кўзланган мақсадларни амалга ошириш учун ҳам энг аввало тинчлик-омонлик даркорлигини бугун ким инкор эта олади дейсиз!

Мен бу тўғрида илгарилари ҳам кўп бор айтганман. Аччиқ тажрибалар асосида тўғилган ва қалбимга чуқур ўрнашган шу ҳаётий ҳақиқатни такрорлашдан толмайман: тинчлик-омонлик бўлса, ҳамма нарса бўлади — ислоҳот ҳам, бозор иқтисодиёти ҳам, жамиятимизнинг янгиланиши ҳам. Аслида ҳаётимиздаги бугунги барча ислоҳот, демократик ўзгаришлардан кўзланган мақсад — юртдошларимизнинг турмушини фаровон қилиш, уларнинг ҳақ-ҳуқуқлари, манфаатларини ҳимоя этиш.

Бизнинг сиёсатимизнинг бош йўналишини Узбекистон хавфсизлиги ташкил этади. Албатта, ҳозирча турмушимиз биз орзу этган даражада эмас. Ҳали етишмовчиликлар, қийинчиликлар ва йўлимизда тўсиқлар ҳам оз эмас. Аммо шундай мураккаб бир вазиятда одамлар омонлиги, мамлакатимиз тинчлигини таъминлашга эришаётганимиз, ўйлайманки, бизнинг энг катта ютуғимиздир.

Чуқурроқ мулоҳаза юритиб қарайдиган бўлсак, шу ҳолни кўрамизки, Узбекистон дунёдаги етакчи давлатларнинг, турли-туман сиёсий кучларнинг бир-бирига зид манфаатлари ўзаро муттасил тўқнашиб турадиган бир майдонда жойлашган. Биз буни истаймизми-йўқми, тарих, тақдир тақозоси шундай. Юртимиздаги беҳисоб табиий бойликлар, унинг геостратегик шароити жаҳонда бизга нисбатан фақат хайрихоҳлик ёки ҳавас туйғусини эмас, балки ҳасад, қора ниятларни ҳам уйғотиши сир эмас.

Харитага диққат билан разм солсангиз, мамлакатимизни этник, демографик, иқтисодий ва бошқа муаммоларнинг оғир юки остида қолган мамлакатлар қуршаб олганини кўриш мумкин. Бунинг устига, Узбекистон диний экстремизм, этник жанжаллар, наркобизнес ва ҳар хил ташқи кучларнинг таъсирида ички низолар авж олган Афғонистон каби беқарорлик ўчоғи билан чегарадош. Олти йилдирки, қўшни Тожикистонда нотинчлик ҳукм сурмоқда.

Минтақамиздаги мавжуд муаммолар камдек, яқинда қўшни давлатлардан бири — Ҳиндистон ядро синовларини ўтказиб, янги бир таҳлика манбаини вужудга келтирди. Бу нарса минтақадаги барқарорлик мувозанатига жиддий зарар етказди. Бунга жавобан шу ҳудуддаги бошқа бир давлат, яъни Покистон ҳам ядро синовлари ўтказиш ҳаракатига тушиб қолди (Суҳбат Покистон ядро синовлари ўтказишидан аввал тайёрланган — таҳр. изоҳ). Демак, минтақамизда ядро хавфи мавҳум хатардан реал хавфга айланиб бормоқда.

Тавбиийки, буларнинг барчаси бизни ташвишлантирмасдан қўймайди. Ўз навбатида биз ҳам давлатимизнинг мудофаа салоҳиятини мустаҳкамлаш ва ҳар қандай таҳдид балосидан сақланиш учун зарур ҳимоя чораларини кўришга мажбур бўламиз.

Ҳеч сир эмаски, бугунги кунда хавфсизликни таъминлаш, хатарларнинг олдини олиш қанчалар мураккаб, нозик ва қалтис бир масала. Буни, албатта, билган биламан, билмаган билмайди. Хўш, ўйлаб кўрайлик-чи, мамлакатимиз хавфсизлигини таъминлаш биз учун қанчага тушмоқда? Узи, хавфсизликнинг баҳоси борми? Умуман, тинчлик-омонлик, барқарорликни пулга чақиб-ўлчаб бўладими?

Мен бу фикрларни фуқароларимиз, ватандошларимиз юртимиздаги тинчлик, барқарорликнинг қандай қийинчилик, қандай меҳнат-машаққатлар эвазига қўлга киритилаётганини озми-кўпми тасаввур қилишлари учун айтяпман.

Яратганимизга минг қатла шукроналар бўлсинки, биз ҳам сиёсий, ҳам иқтисодий соҳаларда, ҳам хавфсизликни сақлаб қолиш борасида энг оғир ва мураккаб даврни бошимиздан эсон-омонлик билан кечирдик. Халқимизнинг донолиги, бағрикенглиги, сабр-бардоши бизни ҳар қандай бало-қазолардан асраб, идрокимизни, ақл-заковатимизни чархлаб, юртимизда осойишталик ва миллатлараро, фуқароларо тинчликни сақлаб қолишга хизмат қилди. Бугун энди ёруғ кунларга етганимиздан ғурурланиб, янги-янги марралар сари қадам қўяётганимиз учун фахрланиб ишлаш ва яшашга асосимиз бор.

Халқимизни яна бир ҳақиқатни ҳеч қачон унутмасликка даъват этмоқчиман: эл-юртимизнинг, шу юртда яшаётган ҳар қайси инсоннинг эсон-омонлиги бизнинг энг катта ютуғимиз ва бойлигимиздир. Бу бойликни кўз қорачиғидай асраб-авайлаш, қадрига етиш — барчамизнинг муқаддас инсоний бурчимиздир.

Oliy o'quv yurtlarida

ЯКУНИЙ СЕМЕСТР— ЯКУНИЙ НАЗОРАТ

Барча олий ва ўрта махсус ўқув юртлари талабалари ҳаётида курсдан курсга кўчиш палласи бошланиб кетди. Росмана олганда, бу даврда талабаларнинг билими «чумичга чиқади».

Тошкент Давлат ҳуқуқшунослик институти ҳовлисида тўп-тўп бўлиб турган талабаларни кузата туриб, дафъатан киши шундай хаёлга боради. Ёзги сессия бошланди, талаба ташвишланиб қолди, балки аксинча у ўзи тўплаган баллга ишонар. Ҳозир илгаригидек билетда белгиланган саволларга жавоб бериш эмас, балки рейтинг тизими. Эндиликда билимни синаб кўришнинг бу усулига кўникиш ҳосил қилинганини ҳисобга олсак, бу даргоҳда ҳам талабаларнинг қишки, ёзги сессияларни топширишларида маълум муҳит юзага келган.

Коридор, аудиторияда бир-бирлари билан гурунглашиб турган талабалар елкасида улкан юк. Имтиҳон, синовлардан албатта муваффақиятли ўтиш керак. Бунга кимдир замин яратган, кимдир эса йўқ. Шу маънодаки, талаба ўқув йили бошидан бери барча фанлар юзасидан лекция ва семинар-машғулотларда тўлиқ иштирок этган бўлса, марра уники. Шунга яраша унинг тўплаган бали аъло ёки яхши баҳога мос тушиши мумкин.

Талабалардан бирини суҳбатга тортдим. У менинг мақсадимни англагач, савол беришимни кутгандек бўлиб, қараб қолди. Қисқа лаҳзалик савол-жавобда суҳбатдошим, суд-прокурорлик факультети 1-курс талабаси Уктамжон Ҳамдамов қўйидаги фикрларни билдирди:

— Ёзги сессиямиз учун 7 та имтиҳон белгиланган. Шулардан 2 таси, яъни ўзбек тили ва конституцион ҳуқуқ фанларидан баҳоларимизни олиб бўлдик. 65 ва 71 балл тўплаб «4», «5» баҳолар олишга эришдим. Давлат ҳуқуқи ва назарияси, хорижий мамлакатлар ҳуқуқи ва тарихи, иқтисодиёт назарияси, Узбекистон тарихи, рус тили каби фанлар бўйича тўплаган балларим ҳам аъло баҳо олишимга замин яратади, деб ўйлайман. Агар талаба дарсларда фаол иштирок этиб, ўзини кўрсатса, ютқазмайди.

Ҳуқуқ-тартибот факультети талабаси Матлуба Ғозиева аудиторияда нималарнидир ёзиб ўтирарди. Сезиб турибманки, у ҳам имтиҳонларни кўнгилдагидек топшириш ниятида.

— Талабанинг курсдан курсга кўчириш жараёни аслида осон кечмайди. Агар у дарсларга қатнашишни канда қилмаса, мул-кўл балл тўплайди. Бу эса фақат унинг ўзи учун яратилган заминдир. Ҳозирча иккита фан бўйича олган билимларимиз баҳоланди: хорижий мамлакатлар давлати ва ҳуқуқи, конституцион ҳуқуқ. Олган баҳоларим яхши.

Суд-прокурорлик факультети декани, юридик фанлари доктори, профессор вазифасини бажарувчи Йўлдош Таракетов ташкилий ишлар билан банд бўлишига қарамай, ёзги имтиҳон палласининг ўзига хос ташвишлари ҳақида қисқача сўзлаб берди:

— Факультетимизда 500 га яқин талаба кундузги бўлимда таҳсил олмоқда. Шулардан бу йил 38 нафари юристлик дипломини қўлга олиб, тегишли муассасаларга ишга жойлашадилар.

Кафедраларимиз 3 та: жиноят ҳуқуқи, жиноят процесси, криминалистика. Уларнинг ҳар бирида нафақат лекциялар, балки амалий машғулотлар ҳам бир-биридан фарқланади. Жиноятнинг келиб чиқиши бўйича ҳар хил моддалар белгиланиши мумкин. Лекин талаба, бўлғуси юрист унга ҳар жиҳатдан мос тушадиган моддани илғай олиши керак.

— Рейтинг тизими бўйича билимнинг синаб кўрилишида талаба тўплаган балл камлик қилса, унга қайта тайёргарлик, яъни курсдошларига етиб олиш даражасидаги топшириқлар тавсия этилади. Назаримда, бундай хол жуда кам учрайди. Чунки талаба барчасидан огоҳ.

Ҳа, талабанинг маълум даврда олган билим даражасини белгилашда рейтинг бизга янгилик бўлмай қолди. Асосий мезон баллни кўпроқ тўплашда. Бўлғуси юристлар таҳсил олаётган даргоҳ ҳаёти учун ҳам бу одатдаги ҳолга айланган. Бинобарин, уқиган, тинглаган, машғулотларда ўз фикрини баён этган ёки муносабат билдирган талабага омад кулиб боқаверади.

Х. ТЎЙМАНОВА

ҚИЗЛАР, ҚИЗЛАРЖОН...

Ёшлик — қайнаб-тошадиган давр. Югурасан, еласан, ҳиссиётга қўмиласан. Бир сўз билан айтганда, романтика. Ун саккизга кирмаган ким бор, ахир! Бу даврда ким ўзини намоён қилиси келмаган, «юлдуз» бўлишни истамаган?

Танловда ўзининг баркамол қиз эканлигини исботлашга йиғилган талабаларнинг ҳар бирини ёркин юлдузга менгзагингиз келади. Бири-биридан хушрўй, жозибадор, ақл-заковат бобида эса ҳаммани лол қолдиргудек. Қизлар гўёки бир жойга йиғилиб, ловуллаб турган гулханга айлангандек эдилар.

«Қизлар мустақил ҳаёт бусағасида» деб номланган бу танлов қадимий ва латиф шаҳар Қўқонда бўлиб ўтди. Республика халқ таълими вазирлигининг шу йил 5 майда чиқарган буйруғига кўра, педагогика институтлари талаба-қизлари ўртасида Оила йилига бағишланган қурик-танлов ўтказилиши керак эди. Танловнинг биринчи босқичи 15 майга қадар ҳар бир педагогика институти талаба-қизлари ўртасида ўтказилди. Ғолибалар Қўқонга йўл олишди...

Қурик-танловнинг II республика босқичи қизларнинг мустақил ҳаётга тайёргарлик даражасини аниқлаш учун мураккаб вазиятларни ҳавола этди. 1-тур топшириқларидан иқтисодиёт, педагогика, психология, ҳуқуқшунослик, оила психологияси, турмуш нафосати, пазандачилик, тиббий билим асослари ўрин олган бўлиб, шартлар турмуш билан боғлиқ ҳолда тавсия этилди. Даъвогарлар 1-тур топшириқларини ЭҲМ ёрдамида ўз қобилиятлари, лаёқатлари даражасида уддалашди. Шунингдек, эркин темада иншо ёзиб, ўз дунёқарашларини акс эттиришди.

II тур топшириқларида қизларнинг тикувчилик, фавқулодда ҳолларда биринчи тиббий ёрдам кўрсатиш, оила бюджетига доир масалалар, ижодий қобилиятлари синаб кўрилди. Ким нимага қодир? Ҳакамлар ҳайъати аъзоларининг танлов қатнашчилари даражасини баҳолаб боришлари бора-бора катта миқдордаги балларни ҳосил қилди. Шундай қилиб, энг юқори балл тўплаган Тошкент вилоят Давлат Педагогика институти 5-курс талабаси Сайёра Орипова (91,2 балл), 90.8 балл йиғишга муваффақ бўлган Шаҳло Чўтбоева, 89,3 балл йиққан Илмира Гарриевалар ҳақиқий «юлдуз»лар деб тан олиндилар.

Бу қизлар нафақат илм эгаллашда, балки ўзларини оилавий ҳаётга тайёрлашда ҳам тенгқур дугоналарини доғда қолдиришди. Оилавий турмушда учрайдиган муаммоли вазият оила даромадини тўғри тақсимлай олиш, фарзанд тарбияси, саранжом-саришталик, тикувчилик, пазандалик, ҳуллас, бўй қизлар учун зарур бўлган барча хислатлар уларнинг юриш-туришию юракларида мужассамга ўхшарди...

— Сиз танловда биринчи ўринни оламан деб ўйлаганмидингиз? — сўрайман қизлари чақнаб турган толиба қиз, Навоий номидаги стипендия совриндори Сайёрахондан.

— Кутмагандим, аммо ҳаётда тасодифий қувончлар ҳам бўлар экан! Аммо барибир ғолиба бўлсам-да, тенгқурларимни ўзимдан паст кўрмайман...

Фахрли ўринларга мушарраф бўлган қизларга республика Халқ таълими вазирлиги, Қўқон Давлат Педагогика институти, Узбекистон темирйўллари ҳиссадорлик жамияти Фарғона бўлимининг қимматбаҳо совғалари топширилди.

Ҳ. КУЗМЕТОВА

Bolalar bog'chalarida

«НИЛУФАР»НИНГ КИЧКИНТОЙЛАРИ

Болалик — дунёда энг беғубор олам дейишади. Дарҳақиқат, куп бўйи тошган чарчоқларимиз, яхши-ёмон таассуротларимиз ширин-шакар болажонларни кўрганимизда бир зум бўлса-да ёдимиздан кўтарилади. Биз ўша бир сонияда уларнинг янги-янги саволларию завқланиб кулишларига сеҳрланамиз, мунчоқдек кўзларидаги самимийликда энг гўзал бир муҳаббатни, меҳрни учратамиз. Юртимизнинг келажаги бўлган ана шу авлодлар ҳақида, уларнинг тарбияси ва билим олиши ҳақида қайғуриш ота-оналар, турли тарбия ва таълим масканлари олдидаги энг улуғ ва эзгу вазифадир.

Тошкент шаҳрининг Юнусобод туманидаги «Нилуфар» 30-болалар боғчаси ҳам ана шундай маъсулиятни ўз зиммасига олган маърифат ўчоқларидан биридир. Офият Ҳусниддинова мудиралик қилаётган бу боғчада 90 дан ортиқ бола тарбияланади. Улар орасида ўзбек, қозоқ, рус, татар миллатига мансуб болалар бор. Шу яқин-орадаги Янгиариқ маҳалласида яшовчи Шаҳноза Азизхўжаева «Нилуфар»да болаларга яхши таълим-тарбия берилаётганини гапириб, «... гарчи озгина узоқ бўлса-да, икки ўклимни ҳам шу боғчага бердим...», деб қолдилар. Чиндан ҳам бу ерда турли ўйин, машғулотларидан ташқари лотин ёзуви, рус тили дарслари, 1993 йилдан бери эса инглиз тили сабоқлари ўргатилар экан. Тарбиячилар Ш. Қаюмова, М. Носирова, З. Алимова, М. Муҳиддинова ва инглиз тили ўқитувчиси С. Акбаровларнинг саъй-ҳаракати билан болалар бу фанларни яхши ўзлаштириб, собиқ тарбияланувчилар ўрта мактабда ҳам «аъло» баҳоларга ўқишмоқда.



Боғча раҳбарияти болаларнинг ижодий ишларга қизиқишини ошириш учун ўзлари яратган дастлабки расмлар, чеварчилик намуналаридан кўргазмалар ташкил этиб туради. Айниқса, ўтказиладиган байрамларда кичкинтойлар фаол иштирок этадилар. Яқинда бўлиб ўттан маънавият ва маърифат ерталигида ҳам уларнинг куй ва рақслари, инглиз тилида равон ўқиган шеърлари бу ерга ташриф буюрган ота-оналарга жуда манзур бўлди.

Нурхон ХУДОЙҚУЛОВА

ИЖОДКОР МУРАББИЙЛАР

Яқинда Жиззах вилояти педагог ходимлар малакасини ошириш институтида таълим-тарбия савиясини ошириш, бозор иқтисодиёти даврида ихтирочиликни ривожлантириш ва ижодкор мураббийлар сафини кенгайтириш мақсадида «Ўзига хос кўргазмали қуроллар» кўрик-танлови бўлиб ўтди. Танловга Жиззах шаҳри ва туманларда ўтказилган танловнинг иккинчи босқичи ғолиблари ўзларининг 20 дан ортиқ кўргазмалари билан қатнашдилар. Ижодкор ўқитувчиларимизнинг ихтиро қилган кўргазмалари ҳайъат аъзолари томонидан кўрилиб, таҳлил қилинди.

Танловда айниқса, Зомин, Арнасой, Ғаллаорол туманлари ва Жиззах шаҳридан иштирок этган Ф. Султонова, А. Душабоев, О. Қувондиқова ҳамда Ф. Мухторова каби ижодкор ўқитувчиларнинг ўзига хос жиҳатлари билан таълим-тарбия савиясини оширишга, ўқитишда ўқувчи ва ўқитувчи имкониятларини кенгайтиришга ёрдам берувчи кўргазмали қуроллари ғолиб деб топилди. Айниқса, Жиззах шаҳридаги 22-мактаб физика ўқитувчиси Ф. Султонованинг ўзига хос кўргазмали қуроли ҳам таълим, ҳам амалий аҳамияти билан алоҳида эътиборга эга бўлиб, биринчи ўрин билан тақдирланди. Ўқитувчининг МФУ-С 98 номерли ихтиро кўргазмаси ўқувчиларнинг мантиқий фикрлаши асосида қайтарган жавоблари тўғри бўлса, акустик сигнал орқали тасдиқлаб беради. Шунингдек, кўргазма муомалада қулайлиги, кам харажат талаб қилиши билан ажралиб туради.

Анъанавий тус олган мана шундай қурик-танлов таълимнинг илмий-назарий ва амалий йўналишини ривожлантиришга ёрдам берувчи кўргазмали қуроллар комплексларини бойитишда муҳим тадбирлардан ҳисобланиши, шубҳасиздир.

Гулсара ЗИЁДУЛЛАЕВА

БОЛАЛАР ЖОНУ ДИЛИ

— Дунёда гўдак кулгусидан тоза, унинг қувончидан тотли нарса бўлмаса керак, — дейди Ғиждувон туманидаги 6-«Шафоат» болалар боғчаси тарбиячиси, «Йил тарбиячиси» вилоят кўрик-танлови ғолиби Шоира Мажидова. — Уларнинг ширин ўй-ташвиши билан яшаш, интилиш, изланиш — бу бахт. Болалар жону дилим. Ҳаётимни уларсиз тасаввур қила олмайман. Ҳатто дам олиш кунларида ҳам уларни кўмсайман. Бир нимани йўқотиб қўйган одамдек ҳис қиламан ўзимни.

Шоира машғулотларни замонавий педагогик усуллардан тўғри фойдаланиб, болалар диққатини ўзига жалб қилган ҳолда ўтади. Унинг машғулотлари бир-бирига боғлиқ, бири иккинчисини мустаҳкамлайди. Шоира жажжи ширинтойларнинг кичик гуруҳдалигидан олиб, мактабга кузатгунга қадар уларга мураббиялик қилади. Мурғак қалбларга ўзбек халқининг миллий урф-одатлари ва қадриятларини ўргатади. Дилбандларнинг жисмонан бақувват, ақлан ривожланишлари учун театрлаштирилган ҳаракатли ўйинлар, миллий спорт турлари, саёҳат ва сайрлардан фойдаланишга ҳаракат қилади.

Унинг нафақат танлов жараёнидаги, балки фаолияти давомида эришган бир талай ютуқлари вилоятнинг энг яхши тарбиячиси номига муяссар бўлишга замин ҳозирлайди.

Д. ХЎЖАЕВА

Tanlov

«ЙИЛ ТАРБИЯЧИСИ – 98» ФЕСТИВАЛИГА МАРҲАМАТ!

Болалар боғчалари тарбиячилари орасида таълим-тарбиянинг ноанъанавий шакл ва самарали усулларидан фойдаланадиган, доимо изланувчан, ўз касбига ижодий ёндашадиган садоқатли ходимлар ҳам талайгина. Бундай илғор тарбиячиларнинг иш тажрибаларини оммалаштириш ва уларни моддий ҳамда маънавий рағбатлантириш лозим. Ўзбекистон Республикасининг барча худудларида ўтказилаётган «Йил тарбиячиси-98» кўрик-танловининг асосий мавзуси ҳам айнан ана шу масалага қаратилган.

16—19 июнь кунлари Тошкент шаҳрида ХТВ томонидан вилоят кўрик-танловида I-ўринни олган ғолибларнинг фестивали ўтказилади. Анжуманда вилоят мактабгача таълим муассасалари раҳбарлари, ташкилотчилари ҳамда амалиётчи ходимлар иштирок этадилар.

ХТВ вилоят кўрик-танлови ғолибларини рағбатлантириш мақсадида пул мукофоти ажратиш билан бирга ташкилот ва жамғармаларни ҳам фестивални чиройли ва мазмунли ўтказишда ҳомийлик қилишга чақиради.

Фестивал дастури ранг-баранг, қизиқарли тадбирларга бой. Унинг иштирокчилари назарий билимларини тест орқали намойиш этадилар. Методик адабиётлар, болалар ўйинчоқларини танлаб олиш, методик усуллар кўрсатиш ва болалар билан ишлашда улардан фойдаланиш, шунингдек, Тошкент шаҳридаги амалиётчилар билан очиқ мулоқот орқали ижодий иш тажрибаларини ўртоқлашишга имконият яратилади. Янги педагогик технологиялар бўйича болалар билан ўтказилган машғулотлардан намуналар кўрсатилади.

Фестивалнинг якуний қисми ўтказиладиган «Навруз» мажмуида кўрик-танлов ғолиблари мактабгача таълимга оид муаммоларни ҳал қилиш бўйича таклиф ва мулоҳазаларини саҳналаштирилган тарзда намойиш қиладилар. Унда ҳудудларнинг иқлимий, иқтисодий, ижтимоий ҳамда бошқа хусусиятлари инобатга олинган ҳолда «Таълим тўғрисида»ги Қонун ҳамда Кадрлар тайёрлаш миллий Дастурини амалда жорий этиш кўзда тутилади. Шунингдек, танлов иштирокчилари «Илғор тажрибалар минбари» телекўрсатувида қатнашишади.

Мазкур байрам ҳомийлар ёрдамида кутганимиздек қизиқарли ўтишига ишончимиз комил.

Дилбар ФАЙЗИ қизи

Ahmad al-Farg'oniy tavalludining 1200 yilligi oldidan

«БАЙТУЛ ҲИКМА» ДОНИШИ

Абул Аббос Аҳмад ибн Муҳаммад Касир ал-Фарғоний Ўрта Шарқ фалсафаси, айниқса, математика, фалакиёт, география, геодезия фанларининг ўта билимдони бўлган буюк ўзбек алломасидир.

Аҳмад ал-Фарғонийнинг «Ал-Фарғоний жадваллари» (қўлёзма Ҳиндистонда), «Ой ернинг устида ва остида бўлганида вақтни аниқлаш рисоласи» (қўлёзма Қоҳирада), «Устурлоб билан амал қилиш ҳақидаги китоб» (Ҳиндистонда), «Етти иқлим ҳисоби» (Олмония ва Қоҳирада), «Устурлоб ясаш ҳақида китоб» (Берлин ва Парижда) каби илмий асарлари жаҳонга танилган бўлиб, ҳозирда унинг илмий, фалсафий ғоялари кенг ўрганилмоқда.

Куни кеча Тошкент Давлат Иқтисодиёт университетида Аҳмад ал-Фарғоний таваллудининг 1200 йиллиги олдидан арабшунос-шарқшунос олимлар билан учрашув кечаси бўлиб ўтди. Кечани университет ректори, академик Саидаҳрор Ғуломов бошқариб борди.

Анжуманда Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Ҳамид Сулаймонов номидаги Қўлёзмалар институтининг директори, академик Азизхон Қаюмовнинг «Аҳмад ал-Фарғонийнинг ҳаёти ва ижодий фаолияти» тўғрисидаги сермазмун маъруза-суҳбатлари мароқ билан тингланди ва профессор-ўқитувчилар ҳамда талабаларни қизиқтирган саволларга батафсил жавоблар олинди.

Суннатулла РИЗАЕВ

* * *

Каттақўрғон шаҳар касб-ҳунар лицейида бўлиб ўтган «Аҳмад Ал-Фарғонийнинг илмий меросини ўрганиш ва ёшларимизга ўтмишнинг бой анъаналарини етказиш усуллари» мавзусидаги илмий-амалий анжуманни Самарқанд вилояти ҳокимлиги ўрта махсус, касб-ҳунар таълими бошқармаси ташкил этди.

Каттақўрғон шаҳар ҳокими Талъат Ҳамидов анжуман қатнашчиларини табриклар экан, вилоятнинг барча ўрта махсус, касб-ҳунар таълими билим масканлари раҳбарларининг «Таълим тўғрисида»ги Қонун, шунингдек, «Кадрлар тайёрлаш миллий Дастури» асосида ўқитишни такомиллаштириш борасида олиб бораётган ишларига улкан муваффақиятлар тилади.

Тадбир қатнашчиларини вилоят ҳокимлиги ўрта махсус, касб-ҳунар таълими бошқармаси бошлиғи Муродилла Холмуҳаммедов самимий табриклади.

Шундан сўнг Самарқанд енгил саноат лицейи ўқитувчиси, тарих фанлари номзоди М. Ражапов «Аҳмад ал-Фарғонийнинг ҳаёти ва фаолияти», Каттақўрғон шаҳар касб-ҳунар лицейи ўқитувчиси М. Қодиров «Аҳмад ал-Фарғоний ва унинг илмий мероси», Сиёб тумани миллий ҳунармандчилик лицейи ўқитувчиси Х. Сайдалиев «Байтул ҳикма»дан чиққан аллома» мавзуида маърузалар қилдилар.

Тадбир сўнгида Абдулҳамид Мажидий номидаги Каттақўрғон драма театри ижодкорларининг саҳна кўринишлари намойиш қилинди.

Э. МАҲМУДОВ

ЖУРНАЛНИНГ ЯНГИ СОНИДА

«Халқ таълими» журналининг навбатдаги сони босмадан чиқди. Уни мутолаа қилган ҳар бир муштарий мустақил мамлакатимиз ҳаётида кечаётган иқтисодий, маънавий ислоҳотлар, айниқса, халқ таълими соҳасида бошланган беқиёс янгиланишлар, уларнинг мақсад-моҳияти, илмий-назарий асослари батафсил ифода этиб берилган кўплаб мақолалар билан танишади. Шу маънода журнал таҳририяти ва муаллифлар бугунги куннинг энг долзарб мавзу-масалаларини ёритишга, муаммоларни ҳал этиш учун асосли илмий-назарий таклифлар, йўл-йўриқлар билан чиқишга алоҳида эътибор беришаётганини қайд этиш лозим.

Ушбу фикрнинг далили янги сонда чоп этилган қатор мақолалар, айниқса, профессор Эшбой Турдиқуловнинг «Президент Ислом Каримов таълимотида экология муаммолари» номли тадқиқоти, Андижон вилояти, Хўжаобод туманидаги 4-мактаб ўқитувчиси Узбекистонда хизмат кўрсатган ёшлар мураббийси Тошхўжа Карамхўжаевнинг «Ислом Каримовнинг «Узбекистон XXI аср бусағасида...» асаридан физика ва астрономия дарсларида фойдаланиш» мақоласида ўзининг яқ-қол ифодасини топганини кўрамиз.

Президентимизнинг мазкур асари мамлакатимиздагина эмас, чет элларда ҳам катта қизиқиш билан ўрганилаётганига гувоҳмиз. «Умумтаълим мактаблари ўқувчилари унда кўтарилган ғояларнинг туб моҳиятига етиб боришлари учун барча ўқитувчилар, айниқса табиий фанлар муаллимлари ҳамкорликда фаолият кўрсатишлари, бунинг учун ўқув предметлари режаларини ўзаро уйғунлаштириш мақсадга мувофиқдир», — деб ёзади Э. Турдиқулов ва асарда кўтарилган экологик муаммолар, уларни қайси ўқув предметларида ўрганиш, қандай ўқитиш усулларини қўллаш, якуний хулосалар чиқариш бўйича амалий тавсиялар беради.

Мақола «Танлов материалларидан» рукни остида чоп этилган. Чунки таҳририят журналнинг 80 йиллик тўйи муносабати билан турли фанлар ўқитиш, таълим-тарбия жараёни, умуман, таълимнинг барча йўналишларида ислоҳотларнинг боришини ёритувчи энг яхши мақолалар учун кўрик-танлов эълон қилган эди. Мазкур рукндаги материаллар педагог олимларимизни янада самаралироқ, фаолроқ бўлишга, сермазмун мақолалар билан танловда қатнашишга чорлайди.

Т. Карамхўжаевнинг ёзишича, физикадан, Ўзбекистон энергетика тизими, атом ядроси ва изотоплар, радиоактив нурланишнинг инсонга таъсири ва ундан ҳимояланиш, астрономиядан эса: фан тарихи, юлдуз хариталари ва осмон координатлари, обсерваториялар каби бўлим ва мавзуларни баён қилишда Ислом Каримовнинг мазкур асаридан фойдаланиш катта самара бермоқда. Муаллиф, айниқса, уран, осмий молибден, селен, теллур ва бошқа рангли металларнинг изотопларари ҳақида қизиқарли маълумотларни келтиради.

Шунингдек, А. Бахромовнинг «Кадрлар тайёрлаш миллий Дастури ва янги ахборот технологиялари», Б. Қодировнинг «Миллий қадриятлар ва узлуксиз таълим», Қ. Боймировнинг «Бозор иқтисоди шароитида ҳунар таълимининг ўзига хос хусусиятлари», И. Каримовнинг «Меҳнат таълими дасрларида ижодий масалалар» каби мақолаларида халқ таълимининг долзарб муаммоларини тезроқ ҳал этишга оид ибратли таклиф, фикр-мулоҳазаларни ўқиймиз.

Агар шу ўринда қисқача шарҳимизни якунласак, журналда энг салмоқли ўрин тутган мавзуга оид қатор салоҳиятли мақолаларни четлаб ўтган бўлур эдик. Гап шундаки, оила йили муносабати билан чоп этилган оила манфаатлари, оила мустаҳкамлигини таъминлаш, оилавий тарбия, оиладаги маънавий-аҳлоқий муҳит масалаларидан баҳс юритувчи мақолалар алоҳида эътиборга молиқдир. Айниқса, Низомий номидаги ТошДПУ доценти Малика Иномованинг «Оилавий тарбияни такомиллаштиришнинг назарий асослари», педагогика фанлари доктори Ойниса Мусурмонованинг «Оила йилида — оила манфаатлари бош мезон», Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси доценти Рўзмат Маҳмудовнинг «Шахсларни ҳуқуқий жиҳатдан ижтимоийлаштиришда оила» каби тадқиқотлари фикр-ғоялар аниқлиги, қамров кенглиги билан ажралиб туради. Муҳими шундаки, барча муаллифлар ёшларни миллий мустақиллик руҳида тарбиялаш, уларда миллий ўз-ўзини англаш, ватанпарварлик, инсонийлик каби юксак фазилатларни шакллантиришни биринчи ўринга қўядилар. Мақолаларда ота-онанинг болага, боланинг ота-онага меҳр-муҳаббати Ватанга бўлган муҳаббат билан йўғрилган бўлиши лозимлиги қайта-қайта таъкидланади. Зеро, мустақиллик шароитида оила, оилавий муносабатлар ва оилавий тарбияга янгича ёндашишнинг моҳияти ҳам ана шундадир.

Журналнинг янги сонини варақлар экансиз, биз санаб ўтганлардан бошқа яна кўплаб қизиқарли материаллар билан танишасиз.

А. ХЎЖАМОВ

Xotira

УМРЛАР БЎЛАДИКИ...

Ватанни ўйлаб яшаган, унинг тараққиёти йўлида меҳнат қилган халқ фарзандлари, шу жумладан, фан арбобларини ҳамиша халқ ардоқлаб, эъзозлаб келган. Улар жонажон Ўзбекистонимиз мустақиллигига муносиб улуш қўшганлар. Ана шундай ажойиб, камтарин инсонлардан бири Мавлон Эгамбердиевдир. У киши атоқли олим, моҳир педагог ва чин инсон сифатида ўзидан ёркин из қолдирди.

1950 йилдан то умрининг охиригача М. Эгамбердиев фаолияти дастлаб ўқитувчи, сўнг 1957 йилдан кафедра мудири сифатида Самарқанд Давлат университети билан боғлиқ бўлди. У ўз педагогик фаолиятида ўқиш ва ўқитиш тизимини яхшилаш, талабалар билим савиясини кўтаришга алоҳида эътибор берди. Домланинг илмий фаолияти асосан шарқ давлатларининг халқаро муносабатларда тутган ўрни, шунингдек шарқ халқларининг миллий озодлик ҳаракатини ёритиб беришга қаратилган эди. Ўз илмий ишларининг маҳсули сифатида 1968 йилда Озарбайжон Республикаси Фанлар Академиясида докторлик диссертациясини муваффақият билан ёқлади. М. Эгамбердиев бу билан ўз илмий фаолиятини тўхтатиб қолмасдан, ёшлар учун керакли мавзуларда илмий мақола ва асарлар яратди. Шарқ мамлакатларининг билимдони, профессор М. Эгамбердиевнинг маърузаларини Москва, Киев, Боку, Минск ва Душанбе шаҳарларида ҳам тинглаганлар. СамДУ илмий ходимларининг кучғайратини тўплаш, илмга бўлган қизиқишларини изланишларини кучайтириш учун домла кўп ишлар қилди. Олимлик унвонига сазовор бўлиб, халқимизга беминнат хизмат қилган ажойиб инсон эди. Олим машақатли илм-фан чўққиларини эгаллашга астойдил интилди, севимли ишига чексиз эътиқоди бўлди, илмий-тадқиқот ишлари билан шуғулланди. У кишининг илмий мероси юздан ортиқ илмий ва оммабоп асарлардан иборат бўлди. Домла ўзининг бутун куч-ғайратини маориф ҳамда тарих фанининг ривожланишига бағишлади. М. Эгамбердиевнинг жамоатчилик фаолияти ҳам ёрқин бўлиб, Самарқанд вилоятида кўп йиллар «Билим» жамияти аъзоси, тарих фани ўқитиш услубий кенгаши раиси бўлиб хизмат қилди. Дилкаш инсон, меҳрибон муаллим профессор-ўқитувчилар ва талабалар орасида обрў-эътибор қозонди. Малакали мутахассисларни тайёрлашда, уларга касб сирларини сингдиришда катта ҳаёт мактабини ўтаган мураббий, сидқидилдан ишлаб, кўплаб олимларнинг ҳам илмий, ҳам педагогик ишларига кўпдан-кўп фойдали маслаҳатлар берар эди. Домла донолиги, хушмуомалалиги, ишга садоқатлилиги ва билими билан ажралиб турарди. Бизнинг хотирамизда ўз дилкашлиги билан из қолдирган тарихчи олим Мавлон Эгамбердиев қалби тонгдай беғубор ва жозибалидир. Илм-фаннинг жонкуяри, моҳир педагог ва мураббий, камтарин инсоннинг ҳаёт йўли, илмий фаолияти ҳамма учун намуна бўлиб хизмат қилади.

Азамат ҚУРАҲМЕДОВ

Lager sahnasi uchun

Бобораҳим ОМОНОВ

ТАЪТИЛДА ҲАМ ЎҚИЙМИЗ

БИР КЎРИНИШЛИ ТОМОША

ИШТИРОКЧИЛАР:
Назира
Вазира
Манзура
Олия
Солия

6-синф ўқувчилари

Воқеа ёзги таътил даврида кечади.

Тол остидаги супа.

Назира билан Вазира арқонча айлантирганча кетма-кет рақам айтишмоқда. Арқонча устида сакраб-сакраб турган Манзура эса, улар айтишаётган рақамларга оҳангдош сўзлар топмоқда:

Н: Бир,
В: икки.
М. Бирикди.
Н: Икки,
В: уч.
М: Эркин уч.
Н. Уч,
В: турт.
М: Учиб тур.
Н: Турт,
В: беш.
М: Турмуш.
Н: Беш,
В: олти.
М: «Беш» олдим.
Н: Олти,
В: етти.
М: Олиб кетди.
Н: Етти,
В: саккиз.
М: Етаксиз
Н: Саккиз,
В: тўққиз.
М: сассиқ тўнғиз!..

Назира (айлантиришдан тўхтаб): — Келинглар, энди «Тез айт»! машқига утамиз. (Дугоналари «майли» дея рози бўлишгач). Ҳозир мен айтадиган «Тез айтиш»ни галма-галдан уч марта такрорлайсиз.

Қани, ким тутилмасдан тез ва ифодали айтоларкан.

Манзура: — Аввал мен такрорлайман, кейин Вазира айтади. Демак, мана, бошладим:

Жавлон жавондан журнал олди,
Журнал Жавлонга жуда ёқиб қолди.

Икки қиз «Тез айтиш»ни галма гал такрорлашаркан, Назира ҳакамлик қилиб, Вазирани ғолиб деб баҳолайди. Шундан кейин Вазира ўз «Тез айтиш»ини баён этади:

Ёвга Санжар санчар ханжар.

Манзура билан Назира уни галма гал такрорлашга тушишади. Бу айтишувда Манзура ғолиб бўлиб, сўнг ўз суйланмасини баён этади:

Бўлар бола беш ёшидан белгили,
Бўлмас бола ўн бешида ҳам билгисиз.

Назира (аниқлаш учун савол бериб): — Тўхтанг, сўнгги сўз «билгисиз»ми ёки «белгисиз?»

Манзура: — Биринчи мисра охиригисидаги «белгили» — яъни аниқ, маънода. Кейингиси эса «билгисиз» — яъни шу ёшда ҳам билимсиз, уқувсиз, маъносида.

Назираю Вазиралар галма-гал такрорлашга тушиб кетишаркан, қўлларида китоб-дафтарлар билан кириб келишган Олия билан Солияларни кўришмайди.

Олия (уларни хитоб қилиб): — Ҳей, булбулигуёлар, тинчланиб, жойларингизга боринглар-чи, сабоқни бошлаймиз! Қизлар уларни кўришгач, дарров тинчланишади ва қўлларини куксиларига қўйишганча салом беришгач, бориб курсиларга ўтиришади.

Олия (салмоқ билан): — Зуккою зебо қизларжон, сизлар билан ҳар кунги «Таътилда ҳам ўқиймиз» номли машғулотимизни давом эттирамиз. (Солия томон ишора этиб). Ҳозир мен сизларга кеча топширилган уй вазифаларининг қандай бажарилганини кўриб, баҳолаганимдан кейин навбатдаги сабоқни Солияхоним олиб борадилар. Мен бу муҳтарама хонимни ўша пайт яқинроқ таништираман. (Солияга).

Сиз ҳозиргача бизларнинг узаро савол-жавобларимизни кузата турингг, айни пайтда ўзингиз доно қизларимизнинг қанчалар топқир ва тиришқоқликларининг ҳам гувоҳи бўласиз.

Солияни ён томондаги курсига ўтказгач, яна қизларга мурожаат этади:

— Хўш, синовга тайёрмисиз, олимлар?

Учала қиз баравар қўл кўтаришади:

— Мен айтай.

— Мен бошлай қолай.

— Биринчи бўлиб мендан суранг.

Олия (уларни бир-бир кўздан кечириб): — Майли, биринчи бўлиб Манзурахон жавоб берсин.

Манзура (туриб): — Менга кўпмаъноли сўзлар иштирок этган шеър ёд олиш топширилган эди. Шу топшириққа мос тушадиган «Яхши сўз» номли шеърни ёдлаб келдим.

Олия (ишора этиб): — Қани, ёдлаган шеърингизнинг шарҳимизга қанчалик мос тушишини эшитиб билайлик-чи.

Манзура қироат билан шеър ўқийди:

ЯХШИ СЎЗ

ВАТАН — қандай яхши сўз,
ЧАМАН — қандай яхши сўз.
Чаман ичра Ватаним —
Узуқдаги мисли кўз.

КУКЛАМ — қандай яхши сўз,
КУРКАМ — қандай яхши сўз.
Куклам чоғи ўлкамнинг
Кўркин кўрса яшнар кўз.

ТИНЧЛИК — қандай яхши сўз,
ТЕНГЛИК — қандай яхши сўз.
Ҳар иккиси халқим-чун
Яқин — гўё қошу кўз.

Олия (бош иргаб маъқулларкан): — Жуда соз! «Яхши сўз» яхши шеър экан. Энди эса унинг топшириғимизга доир ўринларини изоҳлаб беринг.

Манзура: — Ушбу шеърнинг ҳар учала банди охирида ҳам «кўз» сўзи ишлатилган. Аммо ҳар гал турли маънода.

Олия (таъкидлаб): — Яъни?

Манзура: — Биринчи банддаги «кўз» — узукнинг кўзига — буюмга; иккинчида эса «кўркин кўрса яшнар кўз» — бу ҳолат: қувониш-завқланишга нисбатан; учинчи бандда бўлса бевосита кўзнинг ўз маъносида ишлатилган.

Олия (Манзуранинг елкасига қоқиб): — Утиринг, Манзурахон. Сизнинг уй топшириғига кўра баҳонгиз — «Аъло». Доимо камол топинг!

(Кейин Вазирага юзланиб). Қани, Вазирахон, энди навбат — сизга. Қанчалик салоҳиятингиз борлигини намоён этиб қўйинг-чи.

Вазира (туриб): — Менга ҳар бирида 3 тадан м, л, с, ч, н, қ ҳарфлар бўлган сўзларни топиш юкланган эди — барчасини бир нечтадан топиб бажардим.

Олия (ғаётлантириб): — Қани, қани, Ойқиз, малоҳатга бой қиз, ўша «топилма»лардан бошқаларни ҳам баҳраманд этинг-чи.

Вазира (дафтарни очиб): — Хўп булади. «М» товушига: Муҳаммад, мухаммас, муаммо, муаллима, момоқиз, мамнунмиз, манманми;

«Л» га: аллалаб, лолалар, ловуллаб, саллали, лўккиллаш;

«С»га: ҳассасиз, иссиқсиз, ҳиссаси;

«Ч»га: чумчуқ, чўқчачилик, чумич;

«Ш» га: шошилиш, шипшишиб, шишишдан;

(Давоми бор).

УСТОЗИМИЗ ХОТИРАСИ

Доно халқимизда «Умр оқар дарё» деган нақл бор. Дарҳақиқат, умр оқар дарё экан.

Республика халқ таълими тараққиёти йўлида, ёш авлодга таълим-тарбия беришда бир умр фидойилик қилиб келган устозимиз, Республика таълим маркази ўқитувчилар уйи ва оммавий тадбирлар ўтказиш бўлими етакчи методисти, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган ўқитувчи, уруш ва меҳнат фахрийси Шораҳим ота Гадойбоев оғир касалликдан сўнг 90 ёшда вафот этди.

У ўзининг босиб ўттан сермазмун умри давомида халқ таълими ривожида ўчмас из қолдирди. У етук устоз мураббий, билимдон мутахассис, илғор ғояларнинг тарғибот ва ташвиқотчиси эди.

Тиниб-тинчимас фидойи инсон Шораҳим Гадойбоев Самарқанд вилоятининг Ургут, Фарғона вилоятининг Боғдод ва Тошкент вилоятининг Тошкент ва Оққўрғон туманлари халқ таълими бўлими мудири назоратчиси, мактаб раҳбари вазифаларида сидқидилдан меҳнат қилди. Мактаблар ва маҳалла атрофида боғлар яратишда ташаббускорлик кўрсатди.

Шораҳим Гадойбоев фахрий педагоглар кенгаши раиси сифатида фахрийларни янги-янги қарорларга, кўрсатмаларга лаббай, деб ҳозиржавоб бўлишга, мактаб йиғилишларида, анжуманларида фаол қатнашишга, бой тажрибаларини баҳам кўришга даъват этар эди.

Шораҳим Гадойбоевнинг ўзига хос иш услубию ўз фикр-мулоҳазаси бор эди. Унинг «Одоб олтиндан қиммат», «Олтин олма, дуо ол», «Устоз отангдан улуғ» каби мавзуларда ўқиган маъруза, суҳбат ва ўгитлари кўплаб ёш авлоднинг баркамол шахс бўлиб етишишида, миллий ва умуминсоний қадриятлар руҳида тарбияланишида ёрдам берди. У ёшларни истиқлол моҳиятини англашга, Ватанни севишга ундар эди.

Фахрий мураббий сифатида республикамиз кўплаб кекса муаллимларининг дардига дармон бўлиб келди, улар оғирини енгил қилиб жонига оро кирди. Уларни Баҳоуддин Нақшбанд, Аҳмад Яссавий, Бухоро, Хива ва Шаҳрисабз каби обидаларга бой қадамжолар билан таништиришдек савоб ишларни амалга оширди.

Унинг хизматлари устоз мураббийлар қалбида бир умрга жонли маънавий меросдек сақланиб қолади.

Марҳумнинг порлоқ ёди унинг оила аъзолари, биз халқ таълими ходимлари, ёру дўстлари хотирасида жўш урриб оқаётган покиза дарёдек абадий сақланиб қолади.

БИР ГУРУҲ ЎРТОҚЛАРИ

Xullas...

«РЕКТОР... БИЗНИНГ ОТАМИЗ»

Бу сўзлар жиддий, ҳеч қандай киноя йўқ. Лекин қизиқ-да, ректор битта-ю, унинг болалари юзлаб бўлса... Ҳа, чиндан ҳам шундай бўлиб чиқди.

Тюмень Давлат университетининг ректори, академик Геннадий Куцевни талабалар шундай деб аташмоқда. Узининг отаонаси кимлигини билмайдиган етим болалар ҳам ахир кимнидир ота дейиши керак-да...

Хўш, ректор бу бахтга қандай эришди?

Ота «ўз» ўғил-қизларига Қора Денгиз бўйида бепул дам олиб келиш, соғлигини тиклаш, амалиётга борганда пул тўлаш, хорижий тилларни жадал ўрганиш, таътил даврида ишга жойлашишларида ёрдам берган. Шунинг учун ҳам меҳрибонлик уйи тарбияланувчилари ректорни ўз оталаридай яхши кўриб қолишган.

УЧУВЧИСИЗ САМОЛЁТ

Шунақаси ҳам учрар экан. Хитойда синаб кўрилган бу учиш мосламаси метереологик кузатишлар учундир. Унинг узунлиги 1,8 метр, бор-йўғи 3 килограммгача юк кўтариши мумкин. Қизиғи шундаки, у ҳавода 8 соатгача ўзини бошқариб тура олади. Бу учиш мосламаси ўраб турган муҳитнинг ҳарорати, ҳаво босими ва намлик даражаси ҳақида маълумот йиғиб беришга мўлжалланган.

Учувчисиз самолёт ихтирочилари «Техника инсон ёрдамига муҳтож эмас, қандоқ соз-а» деб чапак чалиб юборишди...

ЯНА БИР ФАРЗАНДЛИ БЎЛИШДИ

Сурғутлик руҳоний отахон Николай ўз эшиги орқасида қандайдир шарпани сезди ва секин чиқди. Хўмрайган қиёфадаги аёл ўралган чақалоғини руҳонийга тута туриб деди: «Меҳр-шафқат ва тарбия бера оласизми?»

Николай қотиб қолди. Ўз фарзандларидан «қутулган» руҳоний худо томонидан юборилган чақалоқни кампири билан боқиб ўстиришга қарор қилди. «Тюмень ҳақиқати» газетасининг хабар беришича, ота-оналар ғўдакни ибодатхонага олиб бориб чўқинтиришган, ўз оилаларининг аъзоси қилиб расмийлаштиришган.

Кимдир ўз боласини боқиб катта қилишга ори келади, кимдир эса насл-насаби аён бўлмаган ғўдакни ўз боқувига олади. Демак, кўпчилик нолиганидек меҳр-шафқат йўқолганича йўқ...

ana shunaqa gaplar

ФУТБОЛ БЎЙИЧА ЖАҲОН ЧЕМПИОНАТИ КУНДАЛИГИ

Sport maydonchasi

ЎЙИНДАН ТАШҚАРИ ҲОЛАТ

XVI жаҳон чемпионати бошланиши арафасида ФИФАнинг янги президенти сайланди. Ушбу ташкилот бош котиби Йозеф Блаттер ва УЭФА президенти Леннат Юхансон ўртасида бу лавозим учун бўлган курашда Й. Блаттер ғолиб чиқди. Бу йирик ташкилотни жаҳон чемпионати тугагунча, ФИФА собиқ, фахрий президенти Жаоа Авеланж бошқариб туради.

ИЛК ГОЛ

А гуруҳи

Бразилия — Шотландия 2:1

10 июнь. Стад де Франс ўйингоҳи. 80 минг мухлис.

Ўйинни 1-бўлим, 3-дақиқасидаёқ Бразилия ўйинчиси Сампаио чемпионатдаги илк гол муаллифи бўлди. Шотланд ўйинчиси Жон Коленз 11 метрлик жарима тўпини аниқ бажариб, ҳисобни тенглаштирди. 2-бўлимда Бразилия ўйинчиси Кафунинг зарбасини дарвозабон қайтарган бўлсада, тўп шотландиялик Бойдга теккан ҳолда дарвозага бориб тушди. Ана шу ҳисоб учрашув охиригача сақланиб қолди.

ШИПАНИНГ «СОВҒАСИ»

А гуруҳи

Марокаш — Норвегия 2:2

10 июнь. Ля Мостон ўйингоҳи. 84 минг томошабин.

Марокашликлардан Хаджи ва Хаддалар гол муаллифлари бўлишди. Бир бор норвегиялик Эггенга омад боққа бўлса, 2-голни уларнинг ҳисобига «дўст» жамоа ўйинчиси Сайид Шипа хадя қилди. Бу эса чемпионатнинг илк автоголи эди.

БАДЖОНИНГ МАҲОРАТИ

В гуруҳи

Италия — Чили 2:2

11 июнь.

Чили жамоаси ўзини нималарга қодирлигини намойиш этди. Аввалига Италия ҳужумчиси Виери Баджо ошириб берган тўпни дарвозага аниқ йўллаб ҳисобни очди. Шундан сўнг Чили ҳужумчиси Салас италияликларни икки бор майдон марказига «таклиф» қилди. Фақатгина Баджонинг маҳорати Италия терма жамоасини илк мағлубиятдан сақлаб қолди. Моҳирона тепилган 11 метрлик жарима тўпини жамоа сардори аниқ бажариб, хисобни тенглаштирди холос.

ЖАККЕ РАҚСГА ТУШДИ

В гуруҳи

Камерун — Австрия 1:1

11 июнь. Тулуза ўйингоҳи. 37 минг томошабин.

Ушбу ўйинда Камерун мухлислари ўзлари куттандек Оман Биекнинг эмас, балки Пер Жаккенинг чиройли рақсини гувоҳи бўлишди. Биринчи бўлимда дарвозалар даҳилсиз қолди. Фақаттина иккинчи бўлимнинг 34 минутида айнан Пер Жакке жамоасини олдинга олиб чиқди. Аммо бу ҳисоб учрашувнинг сўнгги дақиқасида автрияликлар фойдасига ўзгарди. Австрия хужумчиси Полстер жамоасини мағлубиятдан сақлаб қолди.

Yodnoma

ДЎСТИМ ҲАЙДАР ҲАҚИДА...

Ажойиб инсон, Ўзбекистон Фанлар Академияси мухбир аъзоси, фалсафа фанлари доктори, профессор, республикада хизмат кўрсатган фан арбоби, Беруний номидаги давлат мукофоти лауреати Ҳайдар Пўлатов ҳаёт бўлганида ҳозир етмиш ёшга тўлган бўлар эди.

Тенгдош ҳамкасб дўстинг хотираси ҳақида бирор нарса ёзиш оғир. Чунки у тирикдек кўз ўнгингда гавдаланиб туради. Ҳар куни дўстлар даврасида уни эслаймиз, қилган ишлари, ажойиб инсоний фазилатлари тўғрисида мағурланиб фикр алмашамиз, шундай одам билан ҳамкасб, ҳамфикр, ҳамдард бўлганимиздан фахрланамиз. Яхшиларнинг яхши ишларини, ажойиб инсоний фазилатларини авлодларга, ёшларга ибрат сифатида кўрсатиш бизнинг бурчимиздир.

...Ҳайдар Пўлатов чин инсон, садоқатли дўст, меҳрибон ота эди. Камтарлик, ҳокисорлик, қанча билимли бўлса ҳам, бу билан қаноатланмай, бошқалардан бирор нарса билиш ва ўрганишга интиларди. Ҳайдар Пўлатов бутун умри давомида ҳамма вақт ижодий, илмий изланишда бўлди, бошқалардан ўрганиб, ўзининг илмий салоҳиятини, инсоний фазилатларини доимо такомиллаштириб борди. Бу унинг қолдирган илмий меросида ҳам яққол ифодасини топди.

У ўзининг илмий ишларида маънавиятли, билимли инсонни тарбиялаш жамият тараққиётининг ҳал қилувчи омили эканини кўрсатишга ҳаракат қилди. Инсон шахсининг ижтимоий моҳияти, индивидуаллиги ва бетакрорлигини, ижтимоий ва шахсий манфаатлар бирлиги, ўзига хослигини ёритди. Ўзбекистон мустақилликка эришганидан кейин, бу борадаги фикрларни мустақиллик мафкураси билан боғлаб, чуқур ёритиш имкониятлари яратилди. Унинг 1992—94 йилларда республика матбуотида эълон қилинган туркум мақолалари мустақиллик мафкурасини ёритиш, инсон маънавий камолоти муаммоларини белгилаш учун катта аҳамиятга эга бўлди.

Ҳайдар Пўлатов ажойиб ташкилотчи ҳам эди. У қаерда ишламасин, мансаб, сохта обрў кетидан қувмас, одамларни чин юракдан ҳурмат қилиб, ҳалоллик ва жонкуярлик билан обрў-эътибор орттирарди. У қилаётган ишларига ўзи баҳо бермас, бошқаларнинг фикрига қулоқ соларди. Дарҳақиқат, мансаб орқали орттирилган обрў эмас, балки инсонпарварлик, ҳалол меҳнат билан орттирилган обрў қимматлидир.

Одамийлиги, ҳалоллиги, ишга, одамларга жонкуярлиги туфайли барча вазиятларда олимнинг эл орасидаги, зиёлилар ўртасидаги обрў-эътибори ортса ортгики, асло камаймади. Домла талабчан бўлса ҳам, унда муомала маданияти юксак эди. Ҳамиша одамларга оқилона насиҳат қилишга, ёрдам беришга ошиқарди. Шу сабабли ҳам, у раҳбарлик қилган ташкилот тезда аҳил, бир ёқадан бош чиқариб, ҳамкорлик ва ҳамдардлик билан ишлайдиган жамоага айланарди. Бунга бир мисол. 80-йилларнинг ўрталарида Фанлар академияси фалсафа кафедрасидаги вазият анча оғирлашиб кетди. Кафедра аъзолари ўртасидаги зиддиятлар илмий ишларга ҳам, ўқув ишларига ҳам салбий таъсир этди. Кафедра мудирлари тез-тез алмашиб турса ҳам, вазият яхшиланмади. Шунда кафедра мудири лавозимига Ҳайдар Пўлатовни тавсия этдик. Янги раҳбар тайинлангач, у ердаги вазият бутунлай ўзгариб кетди. У ўзининг ташкилотчилик маданияти билан тезда кафедра аъзоларини аҳил жамоага айлантирди. Кафедрада ўқув, тарбия ишлари яхшиланди, кенг кўламли илмий-тадқиқот ишлари амалга оширилди, кўплаб кафедра аъзолари фан номзоди, фан доктори илмий даражасини олиш учун диссертация ёқладилар.

Ҳадисларда, яхшиликни чеҳралари очиқ, хушрўй кишилардан кутинглар, деган фикр бор. Ҳайдар Пўлатовнинг ажойиб кўзлари, нур ёғиб турган юзларидан доим меҳр-мурувват, раҳм-шафқат, садоқат, нишоналари кўриниб турарди. Мен у билан ярим асрга яқин таниш, дўст бўлсам ҳам, бирорта одамдан, Ҳайдар менга ёмонлик қилди, деган сўзни эшитмаганман. У доим бошига мусибат тушган, таъқиб ва тазйиқ остида қолган кишилар кетидан юрар, меҳрибонлик кўрсатиб, кўнглини кўтарарди. Домланинг одамларга доимо кўрсатиб келган беминнат ёрдами, меҳр-оқибати унинг хотирасини эъзозлашга асос бўладиган сабаблардандир.

Ҳайдар Пўлатов бутун ҳаёти давомида инсон фазилатларни баланд тутиб юрди. Бундай одамларни миллат ҳам, дўстлари ҳам асло унутмайди.

Эркин ЮСУПОВ,
академик

Биз саёҳатга чиқаяпмиз...

ЎЗБЕКИСТОН ДАВЛАТ ЖАҲОН ТИЛЛАРИ УНИВЕРСИТЕТИ ҚОШИДАГИ ҲОРИЖИЙ ТИЛЛАРНИ ЧУҚУР ЎРГАТИШГА ИХТИСОСЛАШГАН ЛИЦЕЙ 1998—99 ЎҚУВ ЙИЛИ УЧУН РЕСПУБЛИКА МАКТАБЛАРИНИНГ 9-СИНФИНИ БИТИРГАН ИСТЕЪДОДЛИ

ЎҚУВЧИЛАР УЧУН ҚАБУЛ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ

Ҳорижий тиллар (инглиз, немис, француз, япон), она тили ва адабиёт, тарих фанларини мукаммал ўрганиб, келажакда хорижий тиллар бўйича етук мутахассис бўлишни ва Ўзбекистон тараққиёти учун хизмат қилишни истасангиз, бизнинг лицейга МАРҲАМАТ!

Лицейга ўрта мактабнинг 9-синфини тугатган қобилиятли ўқувчилар қабул қилинади.

Танлов 5 июлдан 10 июлгача ўтказилади. Ўқувчилар хорижий тиллар (инглиз, немис, француз, япон), она тили ва адабиёти, тарих фанларидан тест топширадилар.

Кирувчилар танловда қатнашишлари учун 5 июндан 5 июлгача қуйидаги хужжатларни топширишлари шарт:

1. Лицей раҳбари номига ариза.
2. 9-синфни тугатганлиги тўғрисида гувоҳнома.
3. 086-шаклдаги тиббий маълумотнома.
4. 6 та 3х4 см ўлчамли фотосурат.
5. Туғилганлик тўғрисидаги гувоҳномадан кўчирма.
6. Яшаш жойидан маълумотнома.
7. Мактабдан тафсифнома.
8. Ота-онасининг иш жойидан маълумотнома.

Манзил: Тошкент шаҳри, Акмал Икромов тумани, Решетов кўчаси 4-уй. Муроожаат учун телефон: 75-93-12.

Сирғали туманидаги 3-ўрта мактаб томонидан 1997 йилда Равшан Халилов номига берилган О'R — В 020430 рақамли ўрта маълумот тўғрисидаги аттестат йўқолганлиги сабабли БЕКОР ҚИЛИНАДИ.

***

Бекобод туманидаги 31-мактаб томонидан 1994 йилда Салоҳиддин Абдурашидов номига берилган 452965 рақамли ўрта маълумот тўғрисидаги аттестат йўқолганлиги сабабли БЕКОР ҚИЛИНАДИ

***

Оққўрғон туманидаги 37-ўрта мактаб томонидан 1995 йилда Эльдор Файзуллаев номига берилган АО 015895 рақамли аттестат йўқолганлиги сабабли БЕКОР ҚИЛИНАДИ

Тошкент шаҳар Собир Раҳимов туманидаги Абу Райҳон Беруний номли 243-мактаб жамоаси шу мактабнинг бошланғич синфлар бўйича илмий бўлим мудири Арофат Абдумаликова ва бошланғич синф ўқитувчиси Шоҳида Парпибоевага акаси Абдумажид АБДУҒАФУРОВнинг бевақт вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

Тошкент шаҳар, Шайхонтоҳур тумани халқ таълими бўлими, туман қасаба уюшмаси, С. Айний номидаги 84-мактаб жамоаси олий тоифали математика ўқитувчиси Ҳанифа Қосимовага умр йўлдоши Рустам Сулаймон ўғли ҚОСИМОВ вафоти муносабати билан чуқур ҳамдардлик изҳор этади.

Ma'rifat

ТАЪСИС ЭТУВЧИЛАР:
Ўзбекистон Халқ таълими вазирлиги, Ўзбекистон Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, таълим ва фан ходимлари касаба уюшмаси Марказий қўмитаси.

Бош муҳаррир Ҳалим САИДОВ

Рўйхатдан ўтиш тартиби № 20. Рақам ва далилларнинг ҳаққонийлиги учун мақолалар муаллифлари масъулдирлар. Фойдаланилмаган мақолаларга ёзма жавоб қайтарилмайди. МАНЗИЛИМИЗ: 700083, Тошкент, Матбуотчилар кўчаси, 32. ТЕЛЕФОНЛАР: масъул котиб — 136-54-17, хатлар ва оммавий ишлар бўлими — 136-55-58. «Шарқ» нашриёт-матбаа концерни босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41-уй.

Навбатчилар: Аҳмад ОТАБОЕВ, Алишер НАЗАРОВ

ИНДЕКС: 149, 150. Г-098. Тиражи 43.795. Ҳажми 4 босма табоқ. Офсет усулида босилган, қоғоз бичими А-2 босишга топшириш вақти — 20.00. Топширилди — 19.45. Газета IBM компьютерида терилди ва саҳифаланди. 1 2 3 4 5 6